

Чўп 2  
890  
Чў 84  
)



# ЧЎЛПОН ВА ТАНҚИД

---



350.2  
890  
4-84

*Рашид*

~~Қазақстан Республикасы  
О'QUV ZAL~~

# ЧЎЛПОН ВА ТАНҚИД

4264  
ALISHER NAVOIY NOMIDAGI  
O'zbek filologiyasi  
fakulteti  
TOSHKO'TAU  
O'QUV ZAL  
AXBOROT RESURSLAR MARKAZI

*42*

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
«Адабиёт жамғармаси» нашриёти  
2004 йил

Ушбу китобда Чўлпон ижодига тегишли 20-30-йиллар муҳитида ёзилган энг муҳим матнлар жамланган. Бу манба филолог мутахассислар, аспирантлар, талабалар ва умуман, Чўлпон ижоди ўқитиладиган барча ўқув даргоҳлари учун фойдали бўлади, деган умиддамиз.

Матнларни нашрга тайёрловчи,  
сўзбоши ва изоҳлар муаллифи филология  
фанлари доктори Баҳодир КАРИМОВ

Тақризчи:            ф.ф.н.доц.        У. Долимов,  
                              ф.ф.н.доц.        Б. Дўстқораев

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси «Адабиёт жамғармаси»  
нашриёти. Тошкент шаҳри, Ж. Неру кўчаси, 1-уй.

© Баҳодир Каримов

## ЧЎЛПОН ИЖОДИ ВА 20-30-ЙИЛЛАР ТАНҚИДЧИЛИГИ

XX аср тонгида ўзбек адабиёти осмонида янги шоир сифати билан Чўлпон пайдо бўлди. Тинимсиз шеърлар ёзди. Шоирнинг рангбаранг тизмалари вақтли матбуот саҳифаларини безади. Янгиликка ташна шеър муҳибларининг қалби янгича оҳанглардан чексиз завқланди. Миллий туйғулар мавж урган мисраларни ўқиган миллатпарварлар бепаён сўз водийсига уланган янги бир ирмоқнинг жўшқини ва шовқинидан мастона юрдилар. Шоирнинг соҳир овози барча ихлосмандлари қалбини ўзига асир этди. Чўлпонга эргашадиганлар, унинг кўйига монанд тебранадиغانлар, овозига тақлидан кўшиқ айтадиغانлар сони тобора ортаверади. Аммо XX аср тонгининг булутли осмонида Чўлпон битта эди. Бир сониялик ярқ этган чақмоқдан умидланиб чексиз орзулар уммонига шўнғиб кетган истеъдод эгаси ягона эди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтиб-ўтмай у-да «ерга ботди». Секин-секин жарлик томон одимлаётган бутун бошли, ўтмиши ниҳоятда буюк бир миллат фожеасини зиммасига ортиб олгандек ғамгин куйлади. Ҳақ ва ботил орасида туриб дардини сўйлади. Рухият иқлимлари илоҳий масдаридан узилган, жисмидан ҳали асрий кишанларнинг ботик излари кетмаган бир шароитда эркинлик истади:

*Кишан кийма, бўйин эгма  
Ки сен ҳам ҳур туғулғонсен,*

дея ҳайқирди шоир.

Ойлар, йиллар ўтди. Вақти келиб, Чўлпон шеърлари моҳияти ва кайфиятидан, мафкураси ва ёшларга таъсири хусусидан баҳс юритадиган адабий-илмий, ижтимоий-сиёсий давралар майдонга кела бошлади.

20-йилларда матбуот ривожига алоқадорликда аниқроқ бўй кўрсата борган замонавий ўзбек танқидчилиги адабий жараённи баҳолашга интилар, айниқса, янги ўзбек шеърлятига алоҳида эътибор берар эди.

Давр шеърятига доир тафсилий (обзор) мақолаларда шоир Чўлпон номи биринчи бўлиб тилга олинар, янгиланиш жараёнининг энг талантли ва умидли вакили ўлароқ сифатланар эди, албатта. Чўлпон ўзбек мумтоз шеърятининг анъаналарига ўхшамаган бир услубда жўшиб ёзаётган замондошларининг маиший аҳволи, эл-юртнинг забун ҳолатини баён этаётган бир давр эди бу. Тўғриси, шоир оқибатини ўйламай, келажакда ўзини қандай даҳшатли фожеалар кутаётганини ҳаёлига ҳам келтирмай сўйлаётганди. Чўлпон яхшигина танилган эди. Такрор айтамикки, шоир шеърларининг ўқувчи ихлосмандлари, тизмаларини тарғиб-ташвиқ этувчи, таҳлил ва талқин қилувчи, баҳслашувчи ва айбловчи қаламкашларнинг адади ҳам тобора кўпайиб борди.

Чўлпоншуносликнинг дастлабки босқичида шоир ижодига оид махсус адабий-танқидий мақолалар тақриз характерида эди. Бирин-кетин нашрдан чиққан «Уйғониш», «Булоқлар», «Тонг сирлари» тўпламларига бағишлаб Зариф Башир, Аҳмад Шукрий, Вадуд Маҳмуд, Абдулла Қодирийлар томонидан ёзилган тақризлар фикримизни асослайди.

«Туркистон» газетасининг 1923 йил 23 март сонидида шоирнинг «Уйғониш» тўплами ҳақида айна сарлавҳали кичик бир хабар-тақриз эълон қилинган. Мақола таҳририятнинг ўзига тегишли бўлса керакки, унга махсус имзо қўйилмаган. Бунда Чўлпон чуқур текширилмайди, бироқ шоирнинг «писсимизми» «ачинарлик хусусият» эканлиги алоҳида кўрсатилади:

*«Нечун очилди кўзим, қайга кетди уйқуларим,  
Бу уйғонишда тўлиб тошди-ошди қайғуларим...»*

Мана бу ўқуниш, койиш, умуман бир умидсизлик (писсимизм) бизнинг сўнгги давр адабиётимизнинг кўзга кўринарлик ва ҳақиқатан ачинарлик хусусиятидир». Шоирга қўйилган бу ташхис то қатлига қадар уни таъқиб этди; турли йўсинда тез-тез такрорланиб турди.

Афтидан, З.Башир шоирга келажакда тавқи лаънат ўлароқ тамғаланувчи сифатларни олдиндан сезган кўринади; шу сабаб зимдан фикрлар жангига киришади. Фикримизча, унинг «Ўзбек шоири Чўлпон шеърлари» («Уйғониш» мажмуасининг босилиши муносабати билан) номли мақоласи шу сезги маҳсулидир. Мунаққид тўпламни тақриз қилиш баҳонасида юқорида келтирилган имзосиз мақоладаги даъвони рад этишга интилади.

Зариф Башир дастлаб Чўлпоннинг «чин шоир»лигини, шеърларининг текис, нафис, ҳислик, очиқлигини алоҳида таъкидлайди, умуман шоирнинг истеъдодини, услуби ва тилини юқори баҳолайди. Сўнгра кайфият масаласига ўтади: «Бу кунги ёшларимизни тарбия қилишда, уларни умидлик, тирикчиликка тўғри ва очиқ қарарлик қилиб тарбиялашнинг лозим бўлгонлиги ҳаммага маълумдир. Ёшларимизнинг юрак ва ҳисларини тарбиялашда шеър ва адабиётнинг таъсири ҳам жуда кўп бўлгонидан шоирнинг умид ва имони тўғрисида ҳам ёзиш лозимдир. Чўлпон ўртоқда зор ва фиғон жуда оз. Ул зор ва фиғонларини ёзғонда ҳам уларни умидлик иборалар билан тушунтириб кетадир». Шунга мувофиқ шеърый сатрлар ҳам келтиради. Такрор айтамикки, бу иқтибослар ва умуман З. Башир мақоласида имзосиз мақолани («Туркистон» газ. 23 март) «тўғри йўналиш»га буриш истаги сезилади («Туркистон» газ. 4 май).

Мақола охирида, кейинчалик жуда катта адабий-сиёсий баҳслар мавзусига айланиб кетган, Чўлпоннинг қайси ижтимоий тоифага мансублигидан ҳам сўз очиб қўяди: «...ул халқ шоири эмас, халққа яқин зиёлилар шоиридир», дейди. Шоирнинг айрим камчиликларини ҳам айтади. Аммо Берлинда таҳсил олаётган Аҳмад Шукрий «Уйғониш»да нуқсон кўрмайди, изламайди ҳам. Ҳаяжонини ёзади. Шоирни Шекспирга таққослайди: «Уйғониш»ни неча топқирлар ўқиб чиқдим, Шекспирни мутолаа этдим. Энг сўнг Шекспир Чўлпондир ёхуд Чўлпон Шекспирдир фикрига келдим. Чўлпон шеърлари Шекспир жўшқинлиги билан тўладир...».

Айни ҳаяжонли ва жўшқин фикрларга монанд мулоҳазалар В. Маҳмуднинг «Чўлпоннинг «Булоқлари» («Туркистон» газ. 1923 йил, 10 дек.) номли тақриз-мақоласида ҳам кузатилади. Шоир билан ўзаро адабий-илмий ҳамкорлиги ва шахсий дўстона мулоқотлари мавжуд бўлган мунаққид Чўлпоннинг янги тўплами ўзбек адабиётига янги бир оҳанг олиб кирганлигини, унда ўзбек элининг руҳи, сезгиси қайнашини, ўзбек тилининг имкониятлари намоен бўлганлигини алоҳида уқдиради. «Чўлпоннинг «Булоқлар» отлиги янги шеърлар тўплами босилиб чиқди. Чўлпон ўзбекнинг янги шоиридир, шунинг учун ўзбек элининг бутун руҳи, ҳоли, сезгиси «Булоқлар»да қайнайдир. Ўзбек тили, ўзбек оҳанги «Булоқлар»да сайрайди, ўқуйди. Ўзбек руҳий тўлқунлари бунда кўпирадир, кўклар томон учадир, кўтариладир».

Қизгин адабий жараённинг ўзида кўтаринки руҳда битилган мақола махсус изоҳга мухтож эмас, албатта. Аммо унда «кўр виждон-

ларга лаънатлар ўқудим» ёки «Ўзбек янги шоирларининг оҳангсиз бўлишини уялмайин сўйлайтурғон оғизларга «Булоқлар» туфурадир» сингари айрим таъбирлар борки, улар адабий танқид этикасига унча мос келмайди. Буни тушуниш мумкиндир. Чунки 20-йиллар адабий танқиди, умуман, матбуоти учун бир оз чегарадан чиқиш, бир оз бировнинг шахсиятига тегиш, фикрни гоҳида жиндай кўполроқ ифодалаш ҳоллари кўплаб учрайди ва табиий хусусиятдек таассурот беради.

30-йилларга келиб Абдурахмон Саъдий ҳам Чўлпонни танқид қилувчилар сафидан жой олди. Аммо унинг Чўлпонга муносабати 20-йилларда ўзгача — анчайин ҳолисга ўхшаб кўринади. У шоир номини турли тафсиллий мақолаларида яхши маънода тилга олган ҳолда, 1924 йили «Ўзбек ёш шоирлари» сарлавҳали мақоласида Чўлпонни махсус текширади. А.Саъдийнинг бу асарига, аввало, чўлпоншуносликнинг биринчи босқичидаги дастлабки муфассалроқ талқинлардан бири сифатида қараш ўринлидир. Иккинчидан, мақола олимнинг «эвалюцион илмий йўлини», ўзига хос фикрлаш тарзини ва сўзга масъулиятини ойдинлаштиришга ёрдам беради. Мақолада А.Саъдий шундай сатрларни ёзади: «Ёш ўзбек шоирлари орасида ўзининг шоирлик кучини тез вақт ичида танита олгон энг биринчи шоир Чўлпондир. Чўлпон чин маъноси билан рўмантик бир юрак шоири (лирик)дир. Лекин унинг юраги шахсий ҳиссиёт билан тўлгон ва қайнагон юракдир...

Бу шоирнинг фикрлари куюқ, тиғиз; ўхшатиш ва истиоралари, киноялари янги ҳам ўзичадир. Сўроғ ва хитоблари ва шеърий сифатлари ҳам ўтқир, кескин бўлиб чиқади». Адабиётчи шу тарзда шоир ижодига мос муҳим хусусиятларни таъкидлаб, мисоллар билан баён этиш баробарида ўзига маъқул келмаган айрим нуқталарга ҳам урғу беради. Яъни талқинчи «бу шоир энди ўзи тўғрисида салбий ё ижобий, қатъий ҳам очиқ фикрлар баён этишга етарли сармоя берадир» деган икки қиррали мулоҳазанинг ҳар икки жиҳатида тўхталди. Мақтайди ҳам. Танқид ҳам қилади, «баъзи бир салбий ёқлар», «оқсаган нуқталарнинг» саккизтасини рақамлар остида бир-бир санайди. Албатта, мақоладаги айрим мужмал ифодалар, баҳсли ўринларда муаллиф билан тортишиш мумкин, бемалол. Бироқ муҳими шундаки, бу талқинлар шеъриятнинг бадиияти ва техникасига тегишли бўлиб, ижодкор зиммасига ҳеч қандай сиёсий кўрсатма ёки марксистча талабларни юклмас эди. Адабий-илмий муҳитда бир нафас-

лик эркинлик бордек эди. А.Саъдий шоир дардини ўзича тўғри англайди ва шундай ёзади: «Шоирнинг илҳомланишида омил — муҳитдир. Омилдан тотлик келмагандан кейин чашма тотлик бўлмаслиги яна маълум. Шунинг учун шоирни бу ҳақда айблаб бўлмайди».

Юқорида айтиб ўтилгандек, кейинчалик «Чўлпон ва чўлпонизм» баҳсларига аралашган А.Саъдийнинг ўзи ўзига қарши чиқиб, «Айн» (Олим Шарафиддинов) ва Усмонхон Эшонхўжаевларга ўхшаб «айблаб бўлмайди»ган масалада шоирни танқид этишга киришиб кетади. Аниқроғи, шунга мажбур бўлади.

20-йиллар охирида Чўлпоннинг кимлигини, ижодининг моҳиятини ва мафкурасининг қандайлигини аниқлаш лозим бўлиб қолади. «Айн»и вазифа марксчи-ленинчи адабиётчи «Айн»нинг чекига тушади. 1927 йили 14 февралда «Қизил Ўзбекистон» газетасида унинг «Ўзбек шоирлари. Чўлпон» мақоласи босилиб чиқади. Бу пайтга келиб, давр қалтислик сари юз тутганди. Чўлпон типидagi шоирларнинг миллатпарварлиги, ватанпарварлиги, хаёлга берилишини «миллатчилик», «ватанпарастлик», «бадбинлик» ва «жинниларча ҳовлиқиш» тарзида баҳолаш даври келиб қолган эди. Кун сайин мустаҳкамланиб бораётган манфур «давлат механизми» миллий кайфиятдаги зиёлиларни мажақлаб ташлашга чоғланаётган эди. Санъат ҳам, адабиёт ҳам, илм ҳам, хусусан, адабий танқид ҳам «ягона давлат сиёсати»га дастёрлик оstonасига келиб қолганди. Бу «азиз вазифа»нинг дастлабки маҳсули, албатта, «Айн»нинг Чўлпон мафкураси ва ёшларга таъсирини текширувчи мақоласи бўлди. Ҳозирги давр талабидан қараганда, «Айн»икса, чўлпонлар эъзозланаётган ҳозирги кунда мақоладан жуда кўп кўчирмалар олиб, «Айн»ни аёвсиз дўппослаш мумкин. Иқтибосбop ўринлар анчагина (Қолаверса, ёв қочса, ботирлар кўпайиб қолади). Аммо яна бир мулоҳазани айтиб ўтиш керак. Мақоладаги айбловга ташналик оҳангини бир оз таҳрир қилиб ўқиб кўрайлик. Шунда Чўлпоннинг шеъриятига хос айрим хусусиятлар тўғри илғаб олинган бўлади: Чўлпон фикрни рамзий йўсинда беради; Чўлпон ватан озодлигини севади; Чўлпон мустамлакачи руслар сиёсатини ёқтирмайди; Чўлпон миллий шоир, ҳеч қачон пролетариат шоири бўлмаган ва бўла ҳам олмайди ва ҳ.к.

«Айн» сиёсий жиҳатдан хавфсиз ўринларда, яъни шоир тили ҳақида шундай ёзади: «Унинг тили содда, ҳар турлик туйғуларни ифода қилишга ярарлик ҳам нуқсонсиздир. Бу кунги ўзбек адабий тили, шубҳасиз, Чўлпон тилидир».



«Айн»нинг марксизмдан хабари бор. Бошқачароқ айтганда, инсон маънавий-руҳий дунёсини жамиятнинг иқтисодий омилларига эм қилган марксизм балоси адабий танқид майдонига ҳам қадам қўйди. Синфийлик, шоирни тоифаларга ажратиш шу балои шарпанинг талаби эди. «Айн» бу жиҳатни ҳам четлаб ўтган йўқ. Чўлпоннинг йўқсиллар шоири эмаслигини исботлаб бергандек бўлди. Ишчи-деҳқон, пролетариат синфига мансуб бўлмаган ижодкор, табиийки, қалбига юксак орзу-умидларни жойлаган давр ёшларига салбий таъсирини ўтказиши мумкин. Ҳар ҳолда янги давр танқидчисининг фикри шундай. Акс ҳолда, «Айн» мақоласи охирида: «Чўлпон асарлари бостирилар экан, уни қаттиқ таҳлил қилиб, кучли сензурадан ўтказиб, мувофиқларини босиш керак», деган қатъий таклифни ёзмаган бўлар эди.

«Қизил Ўзбекистон»нинг изоҳича, мақола мубоҳаса йўли билан босилган. Шу маънода баҳсга ёшгина Ойбек аралашади. Чўлпонни ҳимоя қилиш ниятида «Чўлпон. Шоирни қандай текшириш керак?» («Қизил Ўзбекистон» газ, 1927 йил, 17 май) мақоласи билан ўртага отилиб чиқади. «Айн» мақоласидаги айрим ҳақоратомуз таъбирлар янги замон шеърятининг зўр ихлосманди бўлмиш Ойбекнинг қалбини ўртайди. У ўз мақоласида бадий асарни текшириш усули масаласига тўхталиб, «сатсиёлўғический метўд»га кўра иш кўриш лозим, шундагина «адабий сирлар»дан воқиф бўлиш мумкин, деган фикр-ни илгари суради.

Ойбек «Адабиёт-синфий» деб ҳисоблайди. Чўлпоннинг пролетариат шоири эмаслигини айтади. Шоирни тушунишни истайди. Унинг шеърлари севиб ўқилишини хоҳлайди. Руслар Пушкин меросини эъозлар экан, демак, биз ҳам Чўлпон шеърларидан «қўл торта олмаймиз» деган фикр-ни ўртага қўяди.

Чўлпондаги мафкуравий жиҳат масаласи Ойбекнинг мақоласи билан якун топмайди, аксинча, Усмонхон исмли мунаққиднинг жазавасига сабаб бўлади. Усмонхон «Мунаққиднинг мунаққиди» («Қизил Ўзбекистон» газ. 1927 йил, 22, 23, 27 июн.) номли каттагина мақоласида «Айн»нинг барча қарашларини ёқлаб чиқади. Ойбекнинг Чўлпон тўғрисидаги чин фикрларининг янглиш эканлигини кўрсатишга бел боғлайди. Ойбекнинг чалкашиб кетганлигини, алаалоқибат ««Айн»ни танқид қиламан деб келиб-келиб, ўз майлига қарши, яна «Айн»нинг остонасига бош» қўйганлигини таъкидлайди. Мақолада кескинлик, курашчанлик, аёвсизлик кайфияти ҳукмрон. Чўлпонга

нисбатан «мафкураси реакцион», «Чўлпонда саботлик дунёқараш йўқ», «Чўлпон ўзининг шоирлик вазифасини тўғри тушунмайди», «Мен шоирми?» шеърини келтириб, «худди эски кўкнорининг сахар вақтидаги кайфиятига ўхшайди», «ул тараққийпарвар рассом бўлмасдан, таназзулпарвар хаёлпарастдир» сингари таъбирларни қўллайди. Хуллас, муаллиф даврнинг сиёсий мафкурасини, мафкуранинг адабий сиёсатини, «Айн»дек адабиётчининг фикрларини қувватлай туриб, Ойбек фикрларини назарга илмайди; Чўлпонни ҳам менсимайди. Албатта, Ойбек бундай муносабатларга нисбатан жимиб тура олмас эди.

«Мунаққиднинг «мунаққиди» мақоласининг эгасига» сарлавҳали мақоласи ўша тинчсизлик орқасидан юзага келди. Ойбек кўпгина масалаларда Усмонхон билан келиша билмайди, тортишади. Аммо ҳақ гап бўлса, иккиланмай тан олади. Мисол: «Хар кимнинг янглишиши мумкин. Айниқса, мен каби ёш. «Чўлпоннинг мафкураси эмас, балки яратган бадиий намуналари ўқулади, воз кечилмайди», дейишим зўр хато. Ҳақиқатан, бадиий асарда шакл билан мазмун айри-айри моҳият ташкил қилмасдан, балки бир единство ташкил қилар экан, бу тўғрида Усмонхоннинг «Ўлма, илмий метўд!» дейиши жуда тўғри. Шакл ва мазмун устида Усмонхоннинг фикрлари бир ҳақиқатдир».

Тўғриси, синфийлик ва метўд масалаларида ёш Ойбек марксист «Айн» ва Усмонхондан кўп ҳам узоқлашиб кетган эмас. Аммо Ойбек бадиий адабиёт гўзаллигини ҳис этиш ва моҳиятини теран англаш жиҳатидан улардан анчагина фарқланади. Ойбекнинг юқоридаги мақолаларида ҳам кейинги фаолиятида ҳам бу фазилат сезилиб туради.

«Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1937 йил 6 август сониди Ж.Шарифий, О.Шарафиддинов ва Ф.Султоновларнинг Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи хусусида бир мақоласи чиқади. Бу мақоладаги муаллифлар Чўлпон романини яроқсиз, зарарли асар сифатида талқин этадилар. Масалага фақат ижтимоий-сиёсий нуқтаи назаридан ёндашган муаллифлар романнавис ва унинг асарига жадидларни мақтаган, душманлик-миллатчилик кайфиятини ниқоблаган, хотинқизлар устидан масхаралаб кулган, «ҳақиқат ва бахт-саодат учун, озодлик-эркинлик учун курашувчи халқ қаҳрамони йўқ», ёшлар онгини захарловчи порнографик асар каби қатор айбларни қўяди. «Чўлпон ўз асарида халқ душманлари-жадидлар, аксил инқилобчи миллатчиларнинг қарашларини талқин этиб, миллатчилик идеяларини ниқоблайди ва уни тарғиб қилади». Дарҳақиқат, мақола муал-

лифлари, гарчи бу фикрни айб сифатида ёзаётган бўлсалар ҳам, Чўлпоннинг бутун шахс қилиб турган омил ҳам, ана шу айнан жадидлиги, миллатпарварлигидир. Мақола ўша давр адабий-илмий муҳитининг нақадар сиёсийлашганини кўрсатиб турибди.

Шунингдек, Чўлпоннинг «Соз» тўплами хусусида ҳам кетма-кет ўша йилларда иккита мақола эълон этилади. Табиийки, булар Чўлпонни қатлгоҳ сари етаклаётган давр сиёсатдонларининг тегирмонига сув қуядиган, вульгар сатсиёлогик руҳдаги мақолалар эди.

Вақт ўтиши билан янгидан-янги дастёрлик вазифаларини ўз зиммасига олаётган адабий танқид майдонидаги «Чўлпон ва чўлпонизм» баҳслари тўхтамади. Аксинча, баҳс-мунозаралар, ижодкорларнинг фикрини қолиплашга интилиш жараёни кенг авж олди. Бу доирага нафақат Чўлпон, балки Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат каби сиймолар ҳам тортилди. Кетма-кет душман изловчи танқидий руҳдаги мақолалар босилиб чиқаверди. Давр алақачон ўзгариб бўлган, социализм ҳам «узил-кесил ғалаба»га яқинлашиб қолган эди. Адабиёт майдонида қизил мунаққидлар гегемонликни ўз қўлларига олиб, мутлоқ ҳукмронлик ўрнатиш ҳаракатида давом этар эди. Умуман олганда, марксизм-ленинизм мусиқасидан завқ топа билмаган ижодкорларни бадном этиш кайфияти кучая борди. 30-йиллардаги вақтли матбуот саҳифаларини варақлаган киши бунинг гувоҳи бўлади, албатта.

Биз бу ўринда адабий танқиднинг Чўлпонга 20-30-йиллардаги муносабати устида бир оз тўхталиб ўтдик, холос<sup>1</sup>. Ўша йилларда босилиб чиққан айрим муҳим манбаларни қайта нашрга тайёрлаб, талабалар ва муаллимлар ҳукмига ҳавола қилишни маъқул топдик. Мақолаларни хронологик тартибда жойлаштирдик ҳамда уларнинг ўша даврга хос тил хусусиятларини ўз ҳолича сақлашга ҳаракат қилдик.

*Баҳодир Каримов*  
*филология фанлари доктори*

---

<sup>1</sup> 20-йиллар охири ва 30-йиллардаги чўлпоншунослик хусусида қаранг: Шарафидинов О. «Чўлпонни англаш». Т., «Ёзувчи» нашриёти, 1994 йил. Дўстқораев Б. «Бир мунозара тарихидан», «Шарқ юлдузи» журнали 1989 йил, 6-сон.

## «УЙҒОНИШ»

Еш шоиримиз Чўлпон томонидан ёзилгон шеърлардан тўплаб тузилган «Уйғониш» мажмуаси Давлат нашриёти томонидан босилиб чиқиб сотилишга қўйилди. Мажмуа бир неча бобларга бўлиниб, ҳар боб бир неча шеърлардан иборатдир.

Тузилиши ва босилиши жуда нафис ва шеърият муҳибларининг қўнгилларига муфоқдир.

Турмуш ғавғолари, кўзғалон ва ўзгариш тўлқинлари бизнинг эскилик кучоғида ва белгусиз хурофий саодат умидида ёнғон халқимизга ўзбекнинг қўпол ва қаттиғ ҳақиқатини кўрсатти. Тинч бир кечини ва хаёлий фикр ва туйғулар билангина яшамоқ даврининг ўтганлигини ва елиш-югуришлик, тинчсизлик замонининг бошланғонлигини аччиқ бир суратда сездирди.

Турмушимизда ўзгариш бошланди. Шоирларимиз гул ва булбул мадҳи ўрнида замон ва муҳит қуйларини ўкумоққа бошладилар.

Адабиётимизнинг «роҳат» даври ҳақиқатнинг «қайғу»ларига алишланди. Яқин кунлардаги уйқу, билмаслик, сезмаслик тўшагидан кўтарилган халқимиз ҳаёт куёшининг иссиқ ва аччиқ нурлари остида ўзининг кўзларини уқаламоққа киришдилар. Хаёлдан ҳақиқатга ўтиш даври ўрганиш кунларининг юрагига илк берган туйғулар умидсизлик, ўксиниш, алданиш шаклида оғизлардан тўкуладир:

*Нечук очилди кўзим, қайға кетди уйқуларим,  
Бу уйғонишда тўлуб тошди-ошди қайғуларим...*

Мана бу ўқуниш, койиш, умуман бир умидсизлик (пессимизм) бизнинг сўнғи давр адабиётимизнинг кўзга кўринарлик ва ҳақиқатан ачинарлик хусусиятидир.

Шарқ ўзбекнинг эски, хурофий ва хаёлий кунларини кечириб, замон ва маконнинг ҳақиқат даврини бошлади. Ҳар бир ишимиз, юрушимиз-турушимиз, гапимиз-сўзимиз, ҳаммаси ҳам янги даврнинг янгиликлари билан биргадир. Фақат бу янгиликлар бизга энг аввал ўзининг аччиғини, қўполлиғини сездирадир.

Нима қилмоқ керак, ҳақиқатнинг аччиғлиғини билмаган борми?  
(Имзосиз мақола)

## ЎЗБЕК ШОИРИ ЧЎЛПОН ШЕЪРЛАРИ

(«Уйғониш» мажмуасининг босилиши муносабати билан)

Туркистон жумҳуриятининг Давлат нашриёти томонидан ўзбек шоири Чўлпон ўртоқнинг «Уйғониш» номида шеърлар мажмуаси босилиб чиқди. Чўлпон ўртоқ кейинги даврдаги ўзбек шоирларининг энг олдингиси ва чин маъноси билан шоир деб аташга лойиқ бўлгонларидан, унинг шеърлари чин адабиёт ва шеър кўзи билан қараб текшириш ва танқид қилишга ярайдир.

Чўлпон ўртоқнинг «чин шоир» деб аташга мумкин бўлгон биринчи шеъри 1920 йилда чиққан 2-сон «Тонг» журналидаги «Беҳбудий»га ёзгон шеъри бўлади. Унинг шул кундан бошлаб ёзиб келган шеърлари текис ва нафис бўлиб тизилиб келади. Чўлпон ўртоқ чин юрак ва ҳис шоир (лирик) бўлғони ҳолда, унинг шеърлари бошқа юрак шоирлариникига ўхшаш фақат кучлик ҳислардан, қизгин дардлардангина иборат эмас. Унинг шеърлари ҳислик, ё қизгин ва нафис бўлғонидек, очиқ ва маълум бўлгон бир мақсадга қараб ёзилади, тўла ва текис натижа берадир. Шунга намуна учун «Уйғониш» мажмуасидан қайси бирини олсак ҳам ярайдир. «Юпаниш истағи»даги парчадан:

*Чарчагон йўловчи йўлдан адашса,  
Текис йўл қолса-да, тоғлардан ошса,  
Йўлни кўрсатувчи юлдуз-да қочса,  
Шунда юпанғайми яланғоч чўллар?*

\* \* \*

*Эркин талаларнинг эркин султони,  
Сонсиз подаларнинг ёлғиз чўпони,  
Най чалиб тоғлардан истаса ёрни,  
Балки юпатқуси «ёр» деган куйлар?*

деб, кўнглини нима билан юпатмоқ мумкин бўлғонлиғи тўғрисида савол бергандан кейин:

*Уйланган уйлар-ла кўнгул юпанмас,  
Кўнгулнинг истағи уй билан қонмас,*

*Айтсалар бу тунда ёруқ шам ёнмас,  
Чақмаса гугуртни асл ўғлонлар!*

деб жавоб берадир. Кучлик ҳис билан ёзилгон шул шеърнинг натижасидан истаганча мақсад ва маънони олмақ мумкиндир. Чўлпон ўртоқ хаёлга жуда бой бўлғони ҳолда ул ўзини кишилиқ оламидан чиқор-гучи хаёллардан ҳам узоқдадир. Унинг бутун хаёли табиатда ва кишилиқ дунёсида бор ва бўлиши мумкин бўлгон доиралардагина учадир.

Чўлпон ўртоқнинг энг тақдирга лойиқ бўлгон бир ери, унинг шеъри тасвирга бой бўлиб, маъносидан сўзи оз бўлиши ва шуларни соф ўз тилида ёзишидир. Унинг шул қирқ саҳифалик «Уйғониш» мажмуасида чет сўзлар жуда оз бўлиб, улар-да халқлашган ва ўзбеклашган сўзлардир.

*Уюқ... оғир йўлга чиққан йўлчман,  
Бу йўлларда қилоғузим юлдуздир,  
Мен юртимнинг пок истакли кучиман,  
У юлдузнинг тугалиши кундуздир,  
Томирларим олов каби қайнағон,  
Қонларини кечмишлардан олмишдир,  
Билагимда ирғиб, чопиб ўйнағон,  
Унитма, ким оёқларинг толмишдир!*

Мана шу парчалар соф ўзбек тилида ёзилғони каби, уларда ортиқ сўз ва маъносиз тизмаларнинг борлигини ким даъво қила олур.

Бу кунги ёшларимизни тарбия қилишда, уларни умидлик, тирикчиликка тўғри ва очиқ қарарлик қилиб тарбиялашнинг лозим бўлғонлиғи ҳаммага маълумдир. Ёшларимизнинг юрак ва ҳисларини тарбиялашда шеър ва адабиётнинг таъсири ҳам жуда қўб бўлғонлигидан шоирнинг умид ва имони тўғрисида ҳам ёзиш лозимдир. Чўлпон ўртоқда зор ва фиғон жуда оз. Ул зор ва фиғонларни ёзғонда ҳам уларни умидлик иборалар билан тушунтириб кетадир. Унинг «Умид ва имон» деган бўлимидаги:

*«Мен» янгилар ўлкасидан синмағон,  
Бир қанотни тақиб олиб қўзғолдим,*

*Шул йўлимда япроқлари сўлмагон,  
Ёш «ёғоч»нинг соясида тўхталдим!  
Тўфоним элни босар,  
Турмуш тоғларни ошар,  
Ва ўлмас, мангу яшар!*

деган парчалари шоирда тўла умид ва очиқ турмушга имон ёрлигини кўрсатадир. Ёш ёғочнинг соясига тўхтаб, ўлмаслигига ишонч боғлаган шоирларимиз бизни ҳам яшатқусидир.

Чўлпон ўртоқ «эл» ва «халқ» сўзларини қанча кўб ёзса ва сўзласа ҳам, ул халқ шоири эмас, халққа яқин бўлгон зиёлилар шоиридир. Унинг услуб ва руҳида халқчиллик жуда оз. Шунинг билан баробар ул кўб вақтда тилар-тиламас идеалистликқа кечиб борадир. Чўлпон ўртоқнинг яна бир камчилиги бўлса табиатни тасвир қилгон чоғларда ўрунсиз ва муносабатсиз фалсафаларга кириб кетиши, «эл» ва «халқ» сўзлари билан шеърнинг нафислигини йўқотишидир.

«Уйғониш» мажмуасидаги «Куз» шеърида табиатни мазлум шарққа ўхшатиши жуда ўрунсиз бир ишдир. Табиат асл: шарқ унинг жузъи бўлғони ҳолда, асли жузъига ўхшатиш гоят даражада маъносизликдир. Чўлпон ўртоқнинг шу камчиликларини тузатишини ис- таймиз.

3. Башир

## ЧЎЛПОН – ЧЎЛПОНДИР

Чўлпон оти кулоғимга кирдикча кўзимга Шекспир руҳи кўринадирда турадир. Шекспир лиризмаси билан Чўлпон шеърляти орасинда нақадар айирма ахтарсам-да, они топа олмадим. «Уйғониш»ни неча топқирлар ўқуб чиқдим. Шекспирни мутолаа этдим. Энг сўнг Шекспир Чўлпондир ёхуд Чўлпон Шекспирдир фикрига келдим. Чўлпон шеърлари Шекспир жўшқинлиги билан тўладир. Чўлпон оқ кўнгиллиги Шекспир самимийлигидан ўтадир. Чўлпон бизда севги тангриси, сезги яратғувчисидир. Чўлпон шоир. Чўлпон — Чўлпондир.

*Аҳмад Шукрий*



## ЧЎЛПОННИНГ «БУЛОҚЛАР»И

Бу кун ўзбек адабиётига яна янги бир тўн киргизилди, Чўлпоннинг «Булоқлар» отлиқ янги бир шеърлар тўплами босилиб чиқди.

Чўлпон ўзбекнинг янги шоиридир. Шунинг учун ўзбек элининг бу кунги руҳи, ҳоли, сезгиси «Булоқлар»да қайнайдир. Ўзбек тили, ўзбек оҳанги «Булоқлар»да сайрайди, ўқуйди. Ўзбекнинг руҳий тўлқунлари бунда кўпурадир, кўклар томон учадир, кўтариладир.

«Булоқлар»да ўзбек сезгиси инграйдир, сизлайдир, титрайдир. Шунинг учун бу тўн шундай бир тўндирки, ўзбек руҳидан, жонидан битгандир, унинг баданини асрамоқ, кўрумоқ учун ўз бағрига босқондир.

Ўзбек янги шоирларининг оҳангсиз бўлишини уялмайин сўйлайтурғон оғизларга «Булоқлар» туфурадур. Ўзбек адабиётига тил тегдирмакчи бўлгон машхур «нодонлар»га бу «Булоқлар» куладир.

Шоир «Амалнинг ўлуми» деган парчасида:

*Кўнглимда йиғлагон малаклар кимлар,  
Шарқнинг оналари, жувонларими?  
Қаршимда эгилган бу жонлар кимлар,  
Куллар ўлкасининг инсонларими?*

деб, шу қисқагина парчанинг ўзидагини қанча шеърят, қанча оҳанг уйдирғондир, шу билан бирга юртининг дардини, кулларининг англаган жонлар бўлишини, кўнглида йиғлагон малакларнинг шарқнинг оналари, жувонларидан иборат эканини қанча очиқ, муассир ва эъжоз билан тасвир этадир.

Мана иккинчи бандида элининг умидларини эскартиб:

*Кенг хаёллар учдими кўкка,  
Бутун умидларин ёвларми кўмди.*

деб, шарқ халқларининг абадий асирликка кирганлигига ишонмоғонини кўрсатиб, ўзининг «Хаёлида порлагон» шамъининг ўчишига шубҳалик сўроғ билан айтадир:

*Мангу тутқинлиққа кирдимми ўлка?  
Хаёлда порлагон шамларми сўнди?*


Яна бошқа бир саҳифасини очдим. Ҳали ўз адабиётининг борлиқ-  
йўқлиғи шубҳалик бўлгонларнинг «назарият адабия»ларига, узоқ-  
лардан мисолларни англамай олганларга «олий ҳислар» учун ҳали  
кўб йиллар мисол бўлишга арзийдиргон:

*Оч ахир, очғил, ким кўксингни:  
Бир нафас ўзимни унтай,  
Унитмоқ бутунлай «ўзлик»ни,  
Оҳ, шундан нажотни мен топай,*

деган, шу парча кўзимга тушди ва кўр виждонларга лаънатлар ўқидим.  
60 саҳифага молик бўлгон бу асар «Шарқ учун, Сезгилар, Сев-  
ги, Қора йўллар, Қор кўйнида» унвонлари остида бўлимларга айри-  
лгон 26 парчадан иборатдир.

Асар чиройлик ва нафис бошлангон. Ўзбек шоирини бу муваф-  
фақияти билан табрик этамиз ва адабиёт суйғувчиларига тақдим  
қиламиз.

*В. М. (Вадуд Маҳмуд)*



## «ЎЗБЕК ЁШ ШОИРЛАРИ» ЧЎЛПОН

### 1

Ёш ўзбек шоирлари орасида ўзининг шоирлик кучини тез вақт ичида очиқ танита олгон энг биринчи шоир Чўлпондир.

Бу шоир ўзини сўнгги 3-4 йил ичида, яъни 1919-1924 йиллар орасида очиқ танитди. Шунинг учун керак «Ўзбек ёш шоирлари» тўпланмасида, керак газета ва журналларда, керак ўзининг «Уйғониш»и билан «Булоқлар»ида босилгон ҳамма шеърлари шу йил орасида ёзилгондир. Шулар орасида кўби ҳам 20-22 йиллардадир. (Фақат нима учун «Булоқлар»ида шеърларининг ёзилгон йиллари қолдирилиб босилгон. Бу зўр эътиборсизликдир).

Ўзбек ёш шоирлари ичидан бу йилларда энг кўб ёзгувчи ҳам шу шоир бўлди.

Шу қизғин ижоди даврида бу шоир энди ўзи тўғрисида салбий ё ижобий, қатъий ҳам очиқ фикрлар баён этишга етарлик сармоялар берди, деб ўйлаймиз.

### 2

Чўлпоннинг бу даврдаги шеърлари ўзини англаб ўкугувчиларига уни «Уйғониш» бўйларидан, Туркистон тоғлари орасидан чиққан бир ёнартоғ равишда танитадир. Ёки биз уни ўзининг оғзидан киноя йўлли:

*Зўр тенгизнинг тўлқунидир, бағрида -  
Юз йилларнинг қонли, қўрқинч изи бор.  
Юмшоқ сувдан бириктирган оғзида  
Шафқат билмас исёнларнинг сўзи бор!*

деб сифатлаган «ўтли сув»нинг ўзи деб таний оламиз.

Унинг мияси ҳақиқатан кучли бир ўт билан суғорилган бўлса, юраги ҳам заҳарлик бир «ўтли сув» чашмасидир. Ёхуд бу шоир бутуни билан бир ёнғиндир.

Бош бермас қизғин бир ўтли юрак, заҳарлик бир тан олиш — мана, Чўлпоннинг энг қисқа бир таърифи шу бўлур.

У ёнадир ҳам ёндирадир, бироқ у:

*Оҳимнинг ўтидан чиққан шу аламлар,  
Шарқнинг кўкрагида бир жой топмасми?  
Кўксимдан қисилиб чиққан нафралар,  
Ухлагон дилларга санчиб оқмасми?*

деб, ўзи ўтидан ўзи куйгандек, бошқаларни ҳам шу ўтда куйдирмак бўладир.

Шоирни куйдирган нарса ҳам, кулдирган нарса ҳам яшаган муҳитлардаги турлик ҳоллар, шундаги турлик воқеалар эканлигида шубҳа йўқ.

Ортиқ сезгич юраклик Чўлпоннинг ҳам «ўлка»сининг ва шу ўлкадаги ўз халқининг «ўтмиш»и билан ҳозирги ёндиради. Унинг юрагидаги буткул олов мана шу муҳитнинг шу икки давридан олингондир.

У ўзи:

*Менинг ўйимми қора?! Ё юрт кўгида булут?*

деган сўзи билан ўзининг қандай бир муҳит емиши бўлгонлигига очиқ ишора қилади.

Унинг кўнгли тонги отмай тургон кўб узун «тунлар» бўйинча «тўшақда уйлар орасида ўғрошиб ётмоқ»дан буткул бузилгон, қисилгон ва тамом асабийлашган бир кўнгилдир.

Шоир ўзи бу тўғрида:

*Бўғиқ, қисиқ бу кўнгил кучли ўт билан ёнади —*

дегандан кейин, у ўтнинг қандай бир ўт бўлғони, унинг ичида нималар борлигини ҳам бизга:

*У ўтнинг орасида юртнинг хаёли жонланадир...*

деб тамом очиб беради.

Шунинг устига яна Чўлпон ўзи тўғрисида:

*Мен-кучли; менда исён;  
Менда-тўлқин; менда тугён;  
Кўпирармен, тошармен;  
Чегарадан ошармен.*

*Тўфон элини босар,  
Турмиш тоғлардан ошар,*

дейдики, умуман мунинг дурустлигини бизга унинг бошқа ҳамма шеърлари тасдиқ этадир.

— *Ёзилмоғонми бу тунлар сўнгида тонг отмоқ?*

деб очиқ хитоб бергувчи бу шоирнинг «икки кўзи ялт-юлт» этиб, кўгидан тилагининг юлдузини қарайдир.

Бу тилак яна унинг умуман ўз халқининг тилаги, жалпи мазлум шарқ халқларининг истагидир.

Бироқ унинг ўз тилак юлдизининг «ўнгидан қора булут ўтиб кетиб ўнг юзин қоплайдир».

Чўлпондаги тўлқин, қайнаш, аччиғланиш, тугён ва исённинг бошқа сабаби ҳам, бошлангон нуқтаси ҳам мана шундадир. Шундан унда ички бир кураш, ўт сочиш бошланадир. Шунинг устига ул ҳеч нарсадан юпана олмайди.

Агар: «Чақмаса гугуртни асл ўғуллар» унга уйи ҳам, ҳис ва халёллари ҳам ҳеч бир турлик юпанч бермас каби кўринадир.

Қисқаси, Чўлпоннинг «томчилари» чиндан ҳам «олов каби» қайнайди. «Олов каби қайнагон қонларини кечмишлардан олмишдир»ки, келгусига ўтмоқ учун йўлда уйилиб ётқон «хас-хашакларни, тусуқларни», бу жонли шоир шуларни қуввати билан ёндириб, куйдириб, йўқ этиб ташламоқ бўладир.

Ул:

*Улуғ, қаттиғ, ағдаргувчи бир кураш*

*Ё, бор бўлиш, ё йўқ бўлиш;*

*— Йўқ яраш,*

деб «бақиргувчи, ўкиргучи бир» кўрқинч «товуш» ҳам чиқариб қўядир.

3

Чўлпон чин маъноси билан рўмантик бир юрак шоири (лирик)-дир. Лекин унинг юраги шахсий ҳиссиёт билан эмас, ижтимоий ҳиссиёт билан тўлгон ва қайнагон бир юракдир.

Шунинг билан бирга у ўзбекларда рамзчилик-символизм эшигин очқувчидир.

Гарчи руҳ ва оҳанг эътибори билан усмонлилар таъсири остида бўлса ҳам, шунинг ўзига махсус тили-услуби бордир. Услуби ҳам умуман иқтисодлик бир услубдир. Фикр ва услубда оҳанг жиҳатидан ҳам ёш ўзбек шоирлари ичида бу шоир энг устки ўрнини ҳозирча бошқаларга бермайди.

Бу шоирнинг фикрлари қуюқ, тигиз; ўхшатиш ва истиоралари, киноялари янги ҳам ўзичадир. Сўроғ ва хитоблари ва шеърий сифатлари ҳам ўткир, кескин бўлиб чиқади.

Унда хаёл ҳам кенг, ўткир бўлиши устига ҳиссиёт тамом самимий, тамом ихтиёрсиздир, чиндир. Унда ҳиссиёт билан суғорилган фикр ва сўзлар йўқ кабидир.

Унинг:

*Кўнглим каби яқин уйлар, қишлоқлар,  
Бойқушларга бузуқ кўксин очқонми?*

Ва:

*Кўм-кўк экан сарғайдилар япроқлар,  
Оғриқ, мағлуб, тутқун шарқнинг юзидек,  
Бўронларнинг кўзлари ким, ўйноқлар,  
Ғолиб ғарбнинг қонга тўлғон кўзидек.*

Ва:

*Бало янглиғ қатор-қатор тизилиб,  
Кўк юзидан қарғалар ҳам ўталар,*

деган каби моддий нарсаларни маънавий нарсаларга ўхшатишдаги усталлик ҳозирги ёш шоирлари ичидан Чўлпонга махсус кабидир. Шу юқоридаги мисралари устига унинг яна шарқ қизи оғзидан айтдирган:

*Мен бир шарқ қизиман, шарқнинг ўзидек,  
Бутун танам, жоним хаёл уяси...  
Меним қора кўзим кийик кўзидек,  
Белгисиз овчининг ўқин кўргуси...*

деган мисралари унинг ўхшатишларининг қандай ўзича, қандай самимий ҳам қандай ингичка, чуқур ва қуюқ бўлғонини бизга очик кўрғазадирлар.

Унинг:

*Ай, ҳар турли қулликларни сиёдирмаган хур ўлкам!  
Нега сенинг бўғзингни бўғиб турар кўланка?!*

Ва:

*Нега тагин танларинг-да қамчиларнинг кулиши?*

Ва «Зарафшон»да:

*Тарихининг қанотлари сўнг йиллар,  
Аллақандай қора ранг-ла бўёнмиш...  
Ёнларида яшагучи кўб эллар,  
Қора ёзмиш қозуғига суялмиш....*

дегани каби хитобларни, аччиғ ва кескин истиораларни Чўлпонда кўб учратарсиз.

Чўлпоннинг «Амалнинг ўлими» деган шеъри юракларга ёндирғич ўтлар сочатурғон кўрқинч бир тўлқинлардир. Умуман, Чўлпон шарқнинг озодлиги қайғусида телмуриб шов-қинлий турғон бир шоирдир.

Унинг «Ёнғин»и ёнартоғдан сачраган бир оловга ўхшайдир.

Бироқ бу шеърни ўқуғоч, ёнғич чиққан кенг ўлкада ёнғон бу юракнинг бу ўтиниким нима нарса сўндира олади? Ёхуд унинг шу сўроғларига жавоб нидоси қайда, ҳам уни-да қандайдир деган сўроғлар бошга келади.

#### 4

Бу ўринда бу шоирнинг баъзи бир салбий ёқларини, яъни оқсаган нуқталарин ҳам айтиб ўтайлик:

1) Шоир, баъзан, кучлик ҳиссиёт остида оловлик сўроғларни бериб келган чоғида йўлидан озиб, бирдан сўниб, совуқланиб кетгандай бўлади. «Бузулғон ўлкага» деган шеърда:

«Кел, мен сенга қисқагина дoston ўқий», деб бошланган тўрт мисра шундоғ жойларидандир. Булар шеърнинг бошдан ёлқинли ҳис-

сиёт билан юракларга уриб келган кучин бирдан камитиб юборадир. Ўртага бу мисраларнинг қисилиши гўё жуда қизгин боргон бир аробанинг губчаги бирдан катта бир тошга урилгондек туюлади.

«Виждон эрки» деган кейинги ўн икки йўли ҳам шундоғ нуқталардандир. Мунда шоир қайнар, кейин хитоблардан сўнг оёғи тойиб, бирдан ваъз-ўғит беришга киришадир. 9,10,11нчи бўлимлари ҳам шундоғ «оёғи тойгон» нуқталардандир.

2) Тоторлардан машҳур Олимжон Иброҳимдек Чўлпон ҳам шеърининг сифатлар (эпитет)ни ва жумланинг эгаларини баъзан тегишидан ортиқ кўб келтира ва шул сабаблик маънони сийқаландириб, унинг таъсир қувватини камитиб қўядир:

*Хира, учган, кучсиз далаларга...*

Ва:

*Очиқ, мағлуб, тутқун шарқнинг юзидек...*

Ва:

*Совиқ, ғамли, қора қиш...*

кабилар шунга мисолдир. Мунда биринчи мисрада икки сифат, кейингиларида «оғриқ» билан «қора» ҳар ҳолда ортиқдир.

— Ёруғ, ёғду, турмуш тепган янги кун...

деганда «ёруғ» билан «ёғду» ҳар ҳолда бириси ортиқдир.

3) Эргашгувчи жумлалар кўб келтириш ва жумлалар ўзаро чаток қилиниб тузилиш сабаблик шеърнинг маъноси қийинлик билангина англанадир. Ҳатто тамом очиқ англанилмасдан қолади:

*Ёки кўз ёшидан йиғилгон бир кўл,  
Бўйида эгилган толда бир булбул,  
Сайраса, йиғласа; машуқаси гул,  
Кулганда юпаткай кўлдаги хурлар,*

мисралар каби.



4) Баъзи киноялари-рамзлари ортиқ туманликдир («Ўтли сув»и шунга мисол).

5) «Кулмак истадик» деган шеърда 11-17 йўллар орасидаги мисралар иқтисодсизлик сабаблик шеърни сийқаландиргондирлар.

6) Ҳаяжонлик шеърларда жумлаларни бир-бириси билан «ки» ёхуд «ким» ёрдамлиги билан боғлаш касаллиги бу шоирда ҳам бордир. Ҳолбуки бу шеърнинг кучини юмшатадир.

7) Баъзан мавзуига мувофиқ бўлмагон заиф хитоблар билан қаноатланиб тугал, жонлик тасвири бера олмасдан қола ҳам кучланганлигини сездиртадир. (Мунга «Бинафша»си билан «Ёноқда» кабилар мисол).

8) Ўринсиз такрорлар ҳам учрайдир:

*Куз чоғи, тупроқлар гезариб қолдилар,  
Гезариб қолдилар куз чоғи тупроқлар,  
Сўнг дамда япроқлар қизариб олдилар,  
Қизариб олдилар сўнг дамда япроқлар,*

каби.

## 5

Чўлпон омма-халқ шоири эмас, ўқимишлилар-зиёлилар шоиридир. Уни омма-жалпи халқ тез англамайди. Лекин шунинг баробарига, у халқ қайғуси билан (фақат ҳеч бир синфга айирмасдан) ёнғучи «халқчи» (народник) бир шоирдир. Унинг ишқ-муҳаббат тўлқунлари ҳам кучсиз эмас. Унинг «Гўзал»и, «Йўл эсдалиги», «Қизариш», «Алданиш» каби шеърлари шунини кўргазадирлар. У бу тўғридаги нозик сезгиларни ҳам усталик билан бера олади.

Чўлпонни фақат тизмадагина эмас, сочмада ҳам замонининг кучли бир шоири этиб таний оламиз. Мунга ҳам уни газеталарда босилгон «Қон! Қон!» билан «Ваннайчахон»и ҳам «Йўл эсдалиги» шохиддир.

## 6

Чўлпоннинг мунгача чиққан шеърлари бизга уни чин синфий инқилоб шоири эмас, балки миллий инқилоб шоири этиб танитадирлар.

Шунинг учун инқилобий шеърлари оздир. Шуларнинг ичидан «Қўзғалиш»и билан «Кураши» синфий айирмадан бошқа фақат жалпи халқчилик руҳидадир.

Томиримда кўзғолишнинг ваҳший қони кўпирди, деган бу шоирнинг «Кўзғолиш»ини ҳар ҳолда пролетариат — йўқсиллар кўзғолиши ҳам шунинг «ваҳший қони кўпирди» дея олмаймиз.

Унинг «Тортишув тонги» деган шеъри синфий курашни тасвир йўлидароқ бўлса ҳам, тугал кўринишлик ва ортиқ кучлик бўлиб чиқа олмагон. Мунда шоирнинг «ваҳший қони кўпура» олмайди.

7

Тағин бу бор: «Фарғона» газетасидаги сўнги «Маданият» деган шеъри (120нчи сонда) Чўлпоннинг тамом умидсизлик — пессимистик йўлга кирганин англатадур.

У энди:

*Ҳақ бўлинмас! Ҳақ ўрнида куч бор  
Ва унинг истаги фақат олтун!  
Ҳар амал, ҳар тилакда бир ўч бор,  
У учун восита-қурол: қонун!  
Ағдариб йиққучи улуг чақмоқ,  
Шу бино устига гуввиллаб оқ!*

деб энди маланият деган нарсадан буткул қўл силтайдур. Шунинг ағдарилишин сўрайдур.

Эҳтимол, «совуқ эллардан муз кийиб келганлар» ҳам, «боғидан мевасини терганлар» уни ниҳоят шундоғ бир ҳолга келишига сабаб бўлғондурлар.

Лекин мундан ангилашилишига қараганда, шоирда ҳар ҳолда умидсизлик кучая борғондай кўринадур. Унда умуман ижтимоий умидсизлик ғолиб, унинг бошқа шеърлари ҳам унинг таржимаи ҳолининг шу қисмин тасвирида бир бирисидан ўзишадурлар. Ёки унинг руҳи чизикларин шу ёқдан очадурлар. Тағин энг ажиб мана шудир: бу шоир энди ҳатто ўзининг шоирлигидан шубҳаланиб умидсизлана бошлагон.

Унинг ҳали босилмагон ва фақат яқинда ўзбек билим юртидан адабиёт дарслари замонида юқори синф шоғирдлари билан адабиёт муаллимларининг тепширишига юборгон «Мен шоирми?» деган шеъри шунга шохиддир.

Бироқ унинг бу шеъри ўзи унинг сўроғига очикдан-очик ижобий жавоб бера ҳам шоир шоирлигидан шубҳаланиб бу ҳақда умидсизланиши ҳақсиз эканин кўргазиб туради. Бу шоир бу шеърида:

*Чунки хаёлимнинг кўзлари билан,  
Бир гўзал ҳолатни кўруб тураман.  
Унга фарқ бўлуб, овидуб тураман:  
Уҳали борлиқнинг сўзлари билан  
Англашиш кўлимдан келмай қоладур,*

деб ўзининг учкуч кенг хаёли излаб топқон гўзалликларни ўзи истаганча суратлаб, кўринишландириб беришга одам тили ва бутун борлиқнинг сўзлари торлик қилғонликдан, ерлилик ва ожиз кўрғазганлигидан зорланадур. Албатта, бу ҳақлик бир зор, тўғри бир шикоятдур. Бироқ жаҳоннинг катта шоирлари ҳам шундоғ шикоятни қила келган ҳам қила келадур. Улар олдида ҳам тил ва тиллаги сўзлар уларнинг истакларин, бутун руҳий тўлқинларин тугал англашдан ожиз қоладур ёки шундоғ ҳис қиладур.

## 8

Сўзимизнинг охирида Чўлпон тўғрисида шуни ҳам айтиб ўтмасдан бўлмайдур: Бу шоирнинг шеър чашмасига ижтимоий ва сиёсий умид ҳамда умуман моддий турмушга ва келажакка ёруғ қараш сезгиларидан ҳам бир қанча томчи моя солинса эди — шоир ўқугувчиларин куйдура олғон каби, кулдура ҳам олар эди.

У вақт чашмасидан шароб ичганимизда асабларимизда доимо азоб эмас, баъзан енгиллик ҳам сезар эдик.

Шоирларнинг илҳомланишида омил — муҳитдир. Омилдан тотлилик келмагандан кейин чашма тотлик бўлмаслиги яна маълумдир. Шунинг учун шоирни бу ҳақда айблаб бўлмайдир.

Шунда-да Чўлпоннинг чашмасига бир мунча янги тот солиб, уни бошқа бирор иккинчи турли омил кўлида, бошқа бирор турли муҳит ичида яшатиб кўрулсин эди...

«Айн»иқса, туркистонликларнинг меҳнаткашлари ва деҳқонлари турмушидан олиб, шуларнинг турмушларин тасвир қилиб ёзиш бир шоир учун энг биринчи адабий бўлиши керақдур.

Агар бу шоир мундан буён шу йўлга кирса, унинг қувватли қалами орқали деҳқонлар турмуши-да ўзбек адабиётида шеърый бир тасвирни кўра бошлагон ва баъзи бир заиф тизмачилар томонидан шеърыйятсиз бир суратда ёзилиш йўлидан чиқарилишининг биринчи одими отланган бўлар эди.

*Абдураҳмон Сағдий*

## ЧЎЛПОН. «ТОНГ СИРЛАРИ»

Баъзи бир ўртоқлар Чўлпонни йиғлоқ деб айбситадилар. Балки ҳақлари ҳам бордир, чунки унинг:

*Чечаклар ўсгуси кўз ёшларимдан,  
Бўғинлар унгуси ўйлашларимдан, —*

деб ҳасратланиши бизнинг кўз ўнгимизда «йиғлоқ» бир шоирни гавдалантиради. Бироқ шоир шу тўккан кўз ёшларидан чечаклар ўстирмоқчи бўлмаса эди, биз ҳам унинг муаттаризлари қаторига кирган бўлур эдик.

Анқов таъначилар шоирни ранжитса-да, мудавомаг қиладилар. Ҳатто, «Сен — кўк шоири!» дегувчилар ҳам бўлиб, чорасиз шоирни уларга ўз ҳолидан жавоб беришга мажбур қиладилар:

*Сиз дейсизким, мен кўкларни ўйлайман,  
Ер бетига сира назар солмайман.  
Янглишасиз, мен кўкларга беркинган  
Ер қизидан хаёлимни олмайман!...*

Октябрь ўзгариши қора тунимизнинг тонгини отдирди эса-да, бу мудҳиш кечанинг бадном кўлагалари ҳамон шоирнинг юрагини титратадилар ва ул чор-ночор йиғлайдир... Шу йиғи орасида барқ уриб кўринган эрк куёши бу кўз ёшлардан «чечаклар унгусини» сўзлайди.

Менимча, «Тонг сирлари»да кўринган кўз ёшларининг сири шу-дир. Шу қисқа жумлада ўқиғувчини бу кунги Чўлпон билан таништира олган бўлсам ўзимни бахтли санар эдим.

*Жулқунбой (Абдулла Қодирий)*

## ЎЗБЕК ШОИРЛАРИ. ЧЎЛПОН

Ўзгаришдан кейин вужудга келган ўзбек адабиёти ўзгариш билан баробар ўсди: унинг келтирган янгиликларни, бу даврдаги интилиш, тилакларни ўзида акс этдириб, озми-кўпми моил фўрма — материёл томонидан замоний бир шакл олмоққа бошлади. Бир қанча ёш адабиёт ходимлари етишди. Булар йўқсулларнинг ҳаётини, мафқурасини, бошидан ўтказган аччиғ-аччиғ ҳолларини суратлантириш учун урундилар. Шунини тараннум эттилар.

Йўқсулларни ўраб олган оғир шароитлар тутади. Маланий қурулиш билан машғул бўлмоққа бошлади. Унинг оғир, масъулиятлик ижодий ишлари бошланди. Янги турмушнинг чин асосларини қуриш, бу йўлда қурашиш замони келди.

Мана бу ерда ёш адабиёт ходимларининг устига янги-янги вазифалар тушади. Бу ёш шоирларимиз ўзларининг устларига тушган мана шул вазифани қисман ўтаб ётибдилар. Яъни, уларнинг яратган асарлари, прўлетариат ижодчилигининг ойнаси бўлмоққа; йўқсулларнинг синфий тилакларини, манфаатларини, мафқурасини жозибадор бир йўсинда тасвирлашга, жонлантиришга бошлади.

Шундай ёш шоирларимиздан шуларни кўрсата оламиз: Ойбек, Боту, Саодат, Лазокат, Фидойи, Эркин, Ҳожар, Файратий, Раҳимий...

Шунини ҳам сўзлаш керак, булар ёш бўлгонлари учун ҳали кучлик намуналар миллионларга тушунарлик бадиий шакл ярата олмадилар. Фақат бу хусусда уринмоқдалар, кундан-кунга муваффақ бўлмоқдалар.

Буларнинг бир қисми, ўз ишларида муваффақ бўлиш учун тажрибалик ёзувчиларнинг (Чўлпон, Фитрат, А. Қодирий...) адабиёт техникасидаги муваффақиятларидан фойдаланмоқдалар, намуна ўлароқ шуларни кўрмақдалар ва шунинг муносабати билан баъзи ёш ёзувчилар уларнинг тўғри бўлмағон таъсирларига берилмакдадилар.

Биз бу мақолада Чўлпон тўғрисида фикр юритмакчимиз.

Ўзгаришгача ҳам ундан сўнгги шоир ва адибларимиз орасида, энг кўб ёзувчи, улар орасида айрим ўрин тутғувчи шоир, шубҳасиз, Чўлпондир. Унинг айрим ўрин қозонишига сабаб, эски классизмнинг тор рамкагани бузиб, парчалаб, унинг (классизмнинг) ифодаси йўсинини, оммага англашмайдурғон тилини соддалашти-

риб, оммага яқин қўйиш учун уринишидир. Ҳам мана шу содда ифода йўсинда, содда тилда амалий намуналар билан бизни таъмин этишидир.

Унинг тили содда, ҳам турли фикр туйғуларини ифода қилишга ярарлик ҳам нуқсонсиздир. Бу кунги ўзбек адабий тили, шубҳасиз, Чўлпон тилидир.

Бутун адабий ёшлиқ унинг тилини бирор ўрнак танийди. Унга тақлид қилади. Чўлпон бунинг билан тақдир этиларлик, махтанарликдир.

Бу кунгача, Чўлпон тўғрисида сўзлаганлар, ёзгонлар яхши томонлари устида турғонлари учун мен бу ҳақда сўзни узайтирмасдан, унинг нуқсон томонлари, хусусан мафкураси, адабий таъсири устида тўхтаман.

Бу кунгача, Чўлпон тўғрисида маъруза ўқуғонлар, унга мадҳия ёзгонлар нима деса десинлар, уни бўяб кўрсатсалар кўрсатсинлар, биз уларга қўшила олмаймиз.

«Чўлпон ким?» «У кимнинг шоири?» деган сўроққа, қисқача қилиб «Чўлпон бутун кирликдан озод бир инсондир; бир шоирдир. У йўқсил халқнинг шоиридир» деб, чиройлик жумла билан жавоб берувчилар, унга баҳо қўювчилар орамизда бор.

Чўлпоннинг бу кунгача ёзгон асарларини текшириб чиқсоқ юқоридаги баҳонинг бутунлай нотўғри эканини англаймиз, чунки Чўлпон йўқсил халқнинг шоири эмас; у шу мафкура йўлида уринадир, у миллатчи, ватанпараст, бадбин зиёлиларнинг шоиридир. Унинг мафкураси шуларнинг мафкурасидир, у шу мафкура йўлида уринадир, талпинадир. Уни қайнатган, унга илҳом берган нарсалар шулардир.

Унинг юраклари, томирлари муҳит — замон таъсири билан тепмайди. Бояги ҳис ва мафкура билан тепади.

Чўлпоннинг бу кунгача ёзгон нарсаси мана шу ҳақиқатни очиқ-ойдин кўрсатади, шунга шоҳиддир.

Тузук, Чўлпоннинг «Тортишув тонги», «Кўзғолиш», «Ўтли сув» каби «инқилобий» асарлари бор. У инқилобчи бўлиб кўринмак истайди(!). Фақат шу хилда инқилобий мавзулар устида қалам ўйнатар экан, чин маъноси билан қизғинлик кўрсата олмайди. Кўпириб, тоша олмайди. Санъаткор кўринмак истаб мавзунинг маъносини қочиради. Ўз фикрини очиқ англатолмайди; размлар билан ўрайдир; пардалайди; ўзи ҳам довдираб қолади.

Энди шу беш-олти шеъри билан «Чўлпон йўқсил халқнинг инқилобчи шоири» деб айтиш мумкинми?...

Унга мадҳия ёзувчилар:

*Чечаклар ўсгуси кўз ёшларимдан,  
Бўғунлар ўнгувчи ўйлашларимдан...,*

деган байтни олиб «у кўз ёшларидан чечаклар яратмоқчи, ўйлашларидан бўғунлар ундирмакчи бўлади», деб уни инқилоб шоири қилиб кўрсатмакчи бўладирлар...

Фақат у кўз ёшларидан ўсган чечак, ўйлашларидан унган бўғун нимадир?

У «Самовий завқлар билан бўғулғон» шоирнинг «ташланғон жандасининг яратадурғон жаннати»га бориш учун, «албатта ўтилиши керак бўлғон ҳақ йўли!»ни ўтмак учун тайёрлайдурғон «идиёл» аскардан бошқа нима бўла олур?

Биз шу билан «Чўлпон прўлетар болаларини тарбия қилмоқчи; тарбияси билан машғул» деб ҳисоблаймиз-да, у йўқсиллар шоири деймизми?

Чўлпоннинг «Самон парча» деган шеърини ўқуб ховлиқиш «Чўлпон муҳитнинг гирдобида самон парчасидек оқиб бораман, боши берк кўчага энди кирмайман, муҳитнинг эркига таслим бўлдим, дейдир» деб, уни болшевикка чиқорғон, уни бизга тилакдош деб кўрсатганлар бор эди.

Шундай дегувчиларга унинг:

*Мен энди худди бир самон парча...  
Лекин (А.) зўр денгизнинг чексиз қўйнида;  
Жимгина борадир кирсиз қўйнимда,  
Эркин кўпикларнинг аллақанчаси!*

деган шу тўрт йўли билан жавоб бериш мумкин. У муҳитнинг эркига тобеъ бўлдим десада, яна «эркин кўпикларнинг аллақанчаси жимгина қўйнимда бордир» дейишдан тоймайдир.

Чўлпон хаёлпарастдир. Чунки миллатчилар, зиёлилар ва шу мафкураани қабул қилғонлар учун хаёлдан ширин, хаёлдан лаззатлик нарса йўқ. Шунга ўхшаш Чўлпон ҳам минг қобот кўқларда юради. У ерда «хусни мутлоқ»ни (бу сўз мистисизм атамасидир) ахтаради, ҳар

ҳақиқатни ҳаёл кўзи билан кўради. Шундан завқ олади. Бу ҳақиқатни ўзига сўйласангиз тезда сизга шоирона бир хитоб билан, ҳеч тортинмасдан «Янглишасиз!» дейди ва:

*Сиз дейсизким, мен кўкларни ўйлаймен,  
Ер бетига сира назар солмаймен!  
Янглишасиз: мен кўкларга беркинган  
Ер қизидан ҳаёлимни олмаймен...*

деб, узундан-узоқ фалсафа сотмоққа бошлайди. Яна ундан «ер қизи» нима деб сўрасангиз «Ғояли аъмолим — идиёлим» деб жавоб беради.

Кўкларда «жиниларча ховлиқиб» юришда баъзан чарчайди, фақат ерга тушкиси келмайди; ундан лаззат олмайди. Мабодо, аллақайтиб ерга тушгудек бўлса ўзини ҳақоратлар, сафолатлар, тубанликлар ичида ҳис этади. Кўнглининг кишанлар билан боғланғонини кўради. Тезда кўнглига хитобан:

*Кўнгил! Сен мунчалар нега  
Кишанлар бирла дўстлашинг?*

деб ерда юришдан чидами тугайди-да, «Бас энди!» дейди.

*Етар бас, чекидан ошқондир  
Бу қорғиш, бу ҳақоратлар...*

наъмасини ўқиб кўкка учади. Ерга тушган онларида жуда қаттиқ миллатчи бўлиб кетади. Чунки бу сафолатларга, тубанликка сабаб бўлувчи ажнабийларни кўради. Улар руслардан иборатдир. Русларни ҳеч қандай гуруҳга, қавмга ажратмайди. Бутун руслар унинг назарида мустамлакачилардир. «Оғир тожнинг заҳарлик ўқлари (руслар — А.) ватанда-ватанда истаганларидан қилмоқдалар», деб йиғлайди. Умидсизланади.

Чўлпон инқилобдан рози, фақат руслардан, русларнинг ватанда қолишларидан рози эмас. У миллий жумхуриятларга, унда кетмакда бўлғон ишларга ўзича маъно беради, фикр юритади.

Унинг фикрини англамоқ учун «Кушнинг ҳадиги» деган шеърини ўқуш этади. Бу шеър рамзимионларча (символизм) ёзилғони учун қаронғи, киноялидир.



Унинг фикрича: «инқилоб натижасида озод бўлдик. Ўзимизга махсус маскан (уя)га эга бўлдик. Лекин ундан фойдалана олмадик. Жилловимизни яна ўшал мустамлакачиларнинг қўлига тутқуздик. Масканимиз, кўб зеҳният (ҳилакорлик) сарф қилиб машинада қўйилгон. Дон егали унда кичик тешиклар бор. Биз ана шунга алданганмиз», дейди. Буни яна очикроқ қилиб «Чўлпоннинг муҳибларидан» Вадуд афандининг тили билан айтсак: «Биз русларнинг қўлида ўйинчоқмиз. Маскав буюрғондан сўнг ҳар нарсани қилишга мажбурмиз» бўлиб чиқади. «Куш ҳадиғи»нинг маъноси мана шундан иборат!

Тузуқ, миллатчи зиёлилар (айни замонда Чўлпон ҳам) оғир тожнинг ағдарилмоғига севинадирлар. Фақат оғир тожнинг «заҳарлик ўқи»ни (руслар — А.) ҳали ватаннинг кўксига кўрадилар. Уч олиш учун ватанда ёвларни йўқ қилгудай бир замонги кучнинг (Темур, Чингиз замонасидаги куч) йўқлигидан қайғурадилар. Ватанда ўзларининг фикрдошлари қолмаганидан ёниб, тўкиладирлар.

Чўлпон, мана шул миллатчилик, ватанчилик туйғулари билан, «ўтмишнинг ўпарлик хотиралари» учун яшайди; миллатчи буржуа — зиёлиларининг мафкурачисидир, шу мафкура унинг илҳом қайноғидир.

Биз Чўлпоннинг бу кунгача ёзган асарларини даража-даража текшириб кўрсак, унда бояги туйғунинг инкишофини кўрамиз. Шунинг учун уни, бояги зиёлилар жуда севадилар. Унинг асарларида руҳлари учун озиқ топадилар. Ҳам унга «буюк халқ шоири» унвони берадилар.

Чунки, Чўлпон халқни ҳеч қандай синфга ажрамасдан:

*Энди ҳар нафасда яна куямен,  
Фақат мажнун бўлиб элни севамен,  
Унга ҳурмат билан бўйун эгамен,  
Бошимни «у» учун дорға қўямен...*

дейди. Улар шу халқ унвони остида, халқнинг бир парчаси ўлароқ ўзларини кўралар. Шунинг учун севиналар, шунинг учун Чўлпонга бояги ҳақни берадилар.

Халқни ҳеч қандай қатламга ажратмасдан «халқ учун ёнамен» дейиш, мен «миллатчиман» дейишдан иборатдир. Шу ниқобнинг остида иш кўриш, бойларнинг эски одатларидир, уларнинг мақсадларига мувофиқдир. Қисқаси, Чўлпон бойлар, миллатчи зиёлиларнинг мафкурачисидир. Шуларнинг шоиридир. Шуларнинг иштаҳасини кел-

тирадиган рухий озиқ беради. Асарлари шуларнинг қарашларини, манфаатларини, мафкурасини акс этдирган ойнадир. Ўн миллионларча йўқсулни унутадир.

Энди келайлик Чўлпоннинг бағишлаган адабий таъсири устига.

Ҳар бир асарнинг таъсири бўлғони маълум. Чўлпон асарлари кўбрак мактабларга тарқолғони учун мактаблардаги шеър ҳаваскорлари ҳис этмасдан, бунинг таъсирига бермақдадирлар.

Ул бу соҳада ёшларни ўз мафкураси таъсирига олиб, миллатчилик, ватанчилик ҳисларини пайванд қилмоқ мақсадига, қисман, муваффақ бўлмоқдадир.

Буни исбот қилиш учун ёш ўқувчиларнинг ёзган парчаларидан мисоллар келтирамиз. Бир ўқувчи «Илм» деган шеърида Чўлпонга ўхшаб шу сўзларни айтади:

*Ватаним гулини узганлар тоқсин-да,  
Кўзимдан қонли ёш ерларга оқсинми?  
Миллатим тош тишлаб ерларда ётсин-да,  
«Бойқушлар» ҳоҳолаб тепадан боқсинми?*

Яна: техникум ўқувчиларидан бири «Бездим» номли шеърида:

*Яшамоқ сирини нимадир, билмайман,  
Турмушини энди ман назарга илмайман...*

деб Чўлпоннинг бадбинлигини кўрсатидир.

Яна бири:

*Ҳаёт, жаҳолатларга нафрат сақлайман,  
Гўзаллар, гўзаллар битсин... ётлайман..*

деб умидсизликка тушадир.

Яна бири Чўлпоннинг символлиқ таъсири билан туманли, кинояли, ҳам бадбинона «Чинлиқ» деган тизмасида ёзади:

*«Ўзлим» уфқида қонга бўялиб,  
«Турмуш қуёши»нинг ранглари сўлди.  
Дарвиш асосига ўзлик суюниб,  
Кўзига ёш олиб, қайғига тўлди.*

\* \* \*

*Йўл солди турмушнинг вахший чўлига,  
Учради йўлида ўлим дўлига...  
Нафратлар юборди «ўнг» ҳам «сўлига»  
Маъноли ажойиб «чинлиқни» бўлди...*

Бундан бошқа Чўлпонга ияриб ишқдан, хаёлдан, қошлардан, кўзлардан... баҳс этувчилар бор бўлсалар ҳам улардан мисол олишни лозим кўрмадик.

Юқоридаги мисоллар Чўлпоннинг ёшларга қандай адабий таъсир қилгани хусусида очиқ фикр бера оладилар. Шунинг учун сўзни кўб чўзмаймиз.

Сўзнинг охирида шуни ҳам айтиш керакким, Чўлпоннинг асарлари бостирилар экан, уни қаттиқ таҳлил қилиб, кучли сезурадан ўтказиб мувофиқларини босиш керак.

Келаси мақоламизда «Ўткан кунлар» рўмони тўғрисида фикрлар юритамиз.

«Айн»

**Идорадан:** Ўртоқ «Айн»нинг мақоласи мубоҳаса йўлида юборилди. Бу тўғрида асосий фикр юритувчиларнинг мақолалари босилади.

## ЧЎЛПОН. ШОИРНИ ҚАНДАЙ ТЕКШИРИШ КЕРАК?

«Қизил Ўзбекистон»нинг 37-сонида «Ўзбек ёш шоирлари» сарлавҳаси остида ўртоқ «Айн»нинг бир мақоласи босилиб чиқди, бу мақолада «Айн» Чўлпонни текширмоқчи бўлади. Албатта, шоир ва адибларнинг асарларини, уларнинг адабиётда тутқон мавқеларини, келтирган янгиликларини, нуқсонларини илмий бир метўд билан текшириш яхши. Лекин ёш адабиётимизнинг кўримли чечаги бўлгон Чўлпон ҳақида фикр юритган ўртоқлар уни ҳаққила текшириб кўрсата олмадилар. Баъзи бирлари шоирни «Яссавий» қилиб қўйсалар, баъзилари — «Айн» каби — масалага илмий нуқтаи назардан келмасдан, «мунаққиқ» ва «мунаққид»лик қилмоқчи бўладилар.

Биз бу мақолада Чўлпонни текшириш эмас, балки ўртоқ «Айн»нинг мақоласи устида тўхталмоқчимиз.

«Айн» мақоласининг қисқача мазмуни шундан иборат: Чўлпон йўқсил эл шоири эмас, миллатчи зиёлиларнинг шоири. Чўлпон — бадбин, Чўлпон — хаёлпараст.

Адабиёт ижтимоий ҳаётнинг акс-садо(эхо)си ва даврнинг мафкураравий кўринишидир. Синфлик жамиятда адабиёт, шоир ва адибларнинг ҳақиқий физиономиясини кўриш учун мунаққид, аввало, жамият тақомулининг пружинаси бўлгон омилларини тайинлаши лозим. Чунки адабиётнинг сўниши ёки порлаши, адабиёт саҳнасига бир шоирнинг чиқиб қолиши тасодифий(случайность) эмас. Умуман, дунёда тасодиф йўқ. «Тасодиф бизнинг нодонлиғимиз натижасидир». Шу тартибда ижтимоий (сатсиёлўгический) метўд билан қуролланиб шоирларнинг башарасига қараш адабий сирларни очиб беради, мунаққидни сеҳрли доиралар олиб чиқади.

Чўлпоннинг «нуқсон томонлари, хусусан, мафкураси» тўғрисида гапирмакчи бўлгон «Айн»да худди шу метўд йўқ. Ҳе йўқ, бе йўқ, қаламга ёпишади: «Чўлпон хаёлига берилган», «Ҳақиқатни хаёл кўзи билан кўради», деб хаёлдан қочқон «оғир бошли» «Айн» ўзининг кўкда учишидан хабарсиз. Чўлпоннинг етишган даврларига қарағуси келмайди. Унинг тараққиёти қадамларини санамайди. Даврларга бўлмайди. Шоирлар хаёл билан кўкка учса, ҳа, шоир-да, деймиз. Аммо мунаққиднинг учиши ҳаммадан қизиқ.

Чўлпонда миллий парчалар йўқ деб ҳеч ким айта олмас. Бу —

факт. Нима учун кўнглига миллий туйғулар маҳкам ўрнашди? Чўлпон нима учун пролетариат мафкуралик шоир бўла олмади? Мана бу масалаларни ешиш учун «Айн» каби масалага юзаки қараб кетиш кифоя қилмас. Бунинг учун марксизм кўзлигини тақиб олиб, даврларга яна чуқурроқ қарамоқ керак. Марксистча ижтимоий метўд шундай юзакиликка қаршидир. Ҳодисаларни атрофлича текшириб, сўнгра ҳукм беради. Масалага юзаки, бир томонлама қараш буржуазия олимларининг ишидирким, улар ҳар вақт энг буюк масалаларни «ирқий хусусиятлар»га ёки шунга ўхшаш жуда маъносиз «фактор»ларга боғлаб қўядилар.

Адабиёт — синфий. Синфларнинг рангини қабул қилади. «Ҳар бир синф ўз манфаатларининг призмаси орқали ҳаётий факторларни идрок этади. Бундан маълумки, санъатдаги ҳар бир мафкура синфий бўлади» (Луначарский). «Айн» ҳам шундай фикрларни эшитган бўлса керак, Чўлпонни синфий нуқтаи назаридан текширмакчи бўлади. Фақат эплай олмай, сеҳрли доираларга тушиб кетади.

3—4 мисра шеър олиб, мана, Чўлпон миллатчилар, бойлар шоири, ўрисларни ёмон кўради, дейди-да, «Чўлпон инқилобдан рози» деб ўзининг фикрига ўзи қарши гапирди. Чўлпон бир шахсдир. Шахс эса ижтимоий муҳит чизгиларининг кесишган нуқтасидир, десак бўлади.

Чўлпон шу ҳолда пролетариат шоири бўла олармиди? Албатта, бўла олмайди. Шу кунгача ҳеч ким уни пролетариат мафкурасининг шоири, деган ҳам эмас. Мафкура бир ой ёки бир-икки йил бадалида ўзгариб кетадурғон нарсами? Бир-икки китоб ёки бир қанча лекция тинглаб мафкурани ўзгартириш мумкинми? Йўқ. Зеҳният (мировозрение) кураш ва ҳаёт билан касб этилади ва шунинг-ла ўзгаради. Шунинг учун бизда шу вақтгача ҳақиқий пролетариат шоирлари етишмади, шоирларнинг қулоқларидан чўзиб туриб «йўқсиллар шоири бўл» дейиш мумкин эмас.

Бу кун инқилобнинг оғир кунларини ўтказдик. Қалбдаги амал чечакларининг очилишини кўриш учун ишчи, деҳқон оммаси ҳар қандай тўсиқларни йиқитиб, эркин турмушга чиқди. Маданий ва иқтисодий юксалиш даври бошланди. Фирқамизнинг раҳбарлиги остида баробарлик ва эркинлик асосига қурилғон идеал жамият амалларини қуришга бошладик. Марксизм ва ленинизмни қалбларига жойлаштириб, коммунизм учун курашқувчи мингларча ишчи-деҳқон боласи етишмакда. Ишчи туйғусини тараннум этадурғон йўқсул эл

шоирлари мафкурани курашда, ҳаётда касб этиб келаётқон янги наслдан чиқади.

Биз Чўлпондан бу нарсани ҳозирча кута олмаймиз. Чўлпон ўзининг муҳити, тарбияси ва интилишлари эътибори-ла бундан узоқ. Яна қайтарамиз, меҳнаткаш омманинг туйғуларини чинакам тараннум эткувчи пролетариат адабиётининг шоирлари инқилоб ва унинг қизғин курашида қўйилгон янги унсурлардан ўсиб чиқади.

«Айн»нинг мақоласида яна шундай тутантуриқсиз нарсалар бор. «Чўлпон хаёлпарастдир. Чунки миллатчилар, зиёлилар ва шу мафкурани қабул қилгонлар учун хаёлдан ширин, хаёлдан лаззатли нарса йўқ, шунга ўхшаш Чўлпон ҳам минг қабат кўкларда юради», дейди. Ана «Айн»нинг мантиқий тушунчаси.

Демак, кимки миллатчи бўлса — хаёлчи, миллатчи бўлмоғон киши — хаёлсиз. Эҳтимол, миллатчилар ўз «ғоя»ларига эриша олмай хаёлот кучоғига отилгондирлар.

Лекин бир шоирни текшириб турғон мунаққиднинг шоирдаги яратувчи хаёлий манбани миллатчиликка боғлаб қўйиши, менимча, хато. Башарий туйғулар билан тошқон пролетариат шоирларида хаёл йўқ дейсизми? Агар миллатчилик билан хаёл бир-бирига боғлиқ бўлса, бутун шоирлар миллатчи экан-да. Дунёда ҳеч ким хаёлсиз шоир ва хаёлсиз адабиёт тасаввур эта олмас, балки «мунаққид» «Айн» тасаввур этмас... шоир мантиқнинг қатъий чизигидан чиқа олмай-дурғон мутафаннин эмас-ку. Реалний фактлар тизмаси шеър ҳисобланмас. Бунга ҳаёт бергувчида шоирнинг олтин қанотлиқ хаёлидир. «Миллионларга тушунарлик бадий шакл» ярататурғон шахслар ҳам қуввали яратувчи хаёлга эга бўлгонлардир. Хаёлнинг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида буюк Лениннинг шу сўзлари шоён диққатдир: «Хаёл фақаткина шоирга керак, деб бекорга айтадилар. Математикада ҳам хаёл лозим. Хаёлсиз дифференциал ҳам жинтиграл (олий риёзиётнинг бир қисми — О.) масалаларини ешиш имконсиздир. Хаёл энг буюк қийматларининг кайфияти (качествоси)» («Янги иқтисодий сиёсат ҳақида Ленин», саҳифа 176).

Қаранг, адабиётчи «Айн» шу масалада ҳам фикрий нўноқлик қилиб юзаки ҳукмлар беради. Шоир — адибларни текшириш яхши. Фақат «Айн» каби эмас, чуқур ва илмий метўд билан.

Чўлпон бизнинг ҳозирғи адабий эҳтиёжимизга жавоб бера олмас, деб ундан қўл йиғамизми? Менимча, бу нарса хато. Бу кун рус биродарларимизга қарасак, улар Пушкинни қандай севганликлари-

ни кўрамыз. Пушкинни рус ишчиси, комсомоли, фирқалиси, олими — ҳаммаси севади, ҳаммаси ўқийди. Пушкин инқилобдан сўнг ҳам Пушкин бўлиб қолди. Рус адабиётида юқори ўринни банд қилди. Қийматини зарра йўқотмади. Балки ҳозирги йўқсул ёшлар унга яна катта қиймат берадилар. Уни ўқуб, асарларининг гўзаллигида чўммак истайдилар.

Пушкин йўқсул эл учун ёзгон бир шоир эмас. Ул помешчик ва тўралар шоири. Мафкураси ҳам ҳозирги замонга мувофиқ эмас. Бўлмаса, уни нечун бу қадар севиш? Пушкин кўб гўзал асарлар яратти. Рус шеърининг бадиий намуналарини берди. Унинг асарлари рус адабиётининг ўлмас бойлигини ташкил этади. Иш шундай экан, руслар нечун буюк адабий меросдан воз кечсинлар.

Биз ҳам Чўлпондан қўл торта олмаймиз, Чўлпон янги адабиётда янги нарсалар яратти. Мувашшаҳ адабиёти ўрнига бу куннинг бадиий завқига яраша, ёқимли, гўзал шеърлар ўртага чиқарди. Бугунги ёш насл унинг содда тилини, тотли услубини, техникасини кўб севади. Ундан кўб гўзалликлар олади. Чўлпоннинг мафкураси эмас, балки яратган бадиий намуналари ўқулади, воз кечилмайди.

### *Ойбек*

**Бошқармадан:** Чўлпон тўғрисида «Айн»нинг мақоласи билан бошланиб бир мунча сабабларга биноан тўхтаб қолгон мубоҳасани янгидан бошладик. Ойбек ўртоқнинг мақоласи шунинг давомидир. Албатта, ўртоқ Ойбекнинг мақоласи Чўлпон масаласини ҳал қилолмайди, ул фақат танқид ёзишда қандай усул тутиш лозимлигидан сўзлайди. Адабиётчиларимиздан тез кунларда бу масала тўғрисида фикр юриштишларини сўраймиз. Бошлагон мубоҳасани қатъий натижага эришдирмагимиз керак.

## МУНАҚҚИДНИНГ «МУНАҚҚИДИ»

(Баъзи фикрлар ва қўшимчалар)

«Адабий пастлаш шунда ҳам таъбирланадирким, мазмундан кўра шаклини қадрлай бошлайдирлар. Бироқ, мазмун шакл билан шундай қаттиқ боғлангонким, мазмунита бепарволик қилиш биринчидан тезда гўзалликни йўқотади ва иккинчидан шаклни ҳам расво қилади.

*Пелихоноф — «Рус ижтимоий фикрининг тарихи»*

Бу йилги «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 109 нчи сонида Ойбек томонидан шоирни қандай текшириш ишида бир «қўлланма» мақоласи босилди. Бу мақола биргина «қўлланма» эмас (шундай бўлса-ку гўрга эди), балки шоир Чўлпоннинг мафкураси ҳақида «Айн» томонидан ёзилгон бир турли тўғри фикрларнинг қийматини туширишга интилади ва мақоланинг ёзилмагон марказий тилаги ҳам шундадир. Бундан ташқари, Ойбек ўз мақоласидаги фикрларни сўнггига довр ўйламасдан, бу фикрлардаги бор чигалликларни сезмасдан, хулласи, унинг мавзуини ёзиладургон мақоладаги нозик жавобгарликни андиша қилмасдан ёза берган. Мана шунинг учун бўлак янглишларидан бошқа, Ойбек «Айн»ни танқид қиламан деб келиб-келиб ўз майлига қарши, яна «Айн»нинг остонасига бош қўяди.

Ойбек мақоласи тўғридаги бу даъволаримизнинг исботига киришмасдан бурун, мавзуимиз қандай аҳамиятта эга эканлигини белгилаб олайлик.

Бизнинг ўзгариш турмушимиз, хусусий мулк ҳукм сурадургон турмушлардан асосан фарқ қилади. Бу асосий айирманинг таркибий унсурларидан бири шундан иборатким, агар хусусий мулк турмушида бу турмушнинг тузилиш оқими кишининг онгидан ташқари, бошвоқсиз (стихийно) кетса, бизнинг ўзгариш ижтимоий турмушимиз борган сари кишининг онгига бўйин суниб, олдиндан тузилган режага солиниб боради. Сарвадорлик оламидан ижтимоий оламнинг ошиқчалиғи шундадирким, биринчи оламда кишилиқ «тақдири илоҳий»га бўйин сунилганга мажбур бўлган чоқда, 2 нчи оламда бу кишилиқ ўз бахтини ўзи белгилашга қодир бўлади. Биз кўриб ва ҳис



билан сезиб турамизким, кишилик бу ғояни муяссар қилмоқ йўлида буюк меҳнат орқасида буюк муваффақиятларга эришади. Бу муваффақиятлар ҳам фан ва техника оламида, ҳам ижтимоий-сиёсий оламда турли-турлидирлар. Мисол учун ижтимоий-сиёсий оламдаги муваффақиятларнинг энг буюги ер юзининг бдан бирида ижтимоий ҳаёт раҳбарлиги воситасиз ижтимоиятни қурғувчилар қўлларига ўтти ва бу сабабдан шўролар иттифоқида кундан-кунга ижтимоиятнинг асоси мустаҳкамланиб бормоқдадир.

Ҳақиқат шундай бўлғонидан кейин, бизга табиий бўлиб кўринса керакки, ижтимоий ҳаёт қурғувчиси ишчи-деҳқон ва бунинг йўлбошчиси коммунист фирқаси ҳаётда кўрсатадурғон катта ва кичик ҳодисаларга бетарафона қараб турмайдирлар; бу ҳодисаларга ё ундай, ё бундай қилиб ўз муносабатларини билдириб қўядирлар ва бу ҳодисаларнинг манбаи ғайратни ё йўқотишга тиришадирлар, ёки уни ижтимоий турмуш куриш ишини енгиллатишга ишлагадирлар.

Ўзбек миллатининг маданияти тарих марҳамати билан ишчи ва деҳқон раҳбарлиги остида қурилмоқда. Бу қурилиш оқимин кечирувчи ёш маданиятнинг таркибий унсурлари ишчи ва деҳқонлар ва уларга йўлбошчилик қилувчи коммунистлар фирқаси томонидан текширилиб ва ислоҳ қилиниб борилиши табиий ва бу воқеа яна ўша умумий ва асосий тилагимиз бўлғон бутун кишиликка муштарак маданият, яъни ижтимоият куриш ишининг бир шохчасидир.

Бу унсурлардан адабиётни олсак, унинг аҳамияти тўғрисида шу ерда сўз очиб ўлтиришнинг ҳожати кўринмайди. Лекин биз жўрттанга бу ерда бир оз четта чиқиб қўйдиқки, «шоирнинг ҳурлигига тегиш гуноҳ» дегувчилар йўқ эмас; ҳатто Ойбек ҳам ўз мақоласининг бир ерида «шоирларининг қулоқларидан чўзиб туриб, йўқсиллар шоири бўл дейиш мумкин эмас» деб қўяди. Янглишасиз, Ойбек, чунки шоирлар жисмоний қулоқларидан чўзилмасалар ҳам, «қулоқ»ларидан чўзиладирлар! Ўзингиз ҳам ҳақиқатни инкор этадурғон кўринасиз, лекин фикрингизни сўнгиға еткиза олмайсиз, фикрингиз чигал, нимагаки ҳеч ким («Айн» ҳам) шоирларнинг қулоқларидан чўзиб туриб йўқсиллар шоири қилмоқчи эмас ва бундай жинни даъвони ҳеч ким ҳам қилғони йўқ.

Юқорида четка чиқиб қўйғонимизнинг яна бир сабаби Чўлпондек шоир тўғрисида ижтимоий фикрнинг аҳамиятини ҳам чуқури, ҳам тўғараги билан белгиламакчи бўлғонимиздан иборат эди.

Чўлпон, ўзбек миллатининг янги адабиётида бир турли нуқтаи-

назардан энг олдинги ўринни тутади деган даъвога қаршилиқ йўқ кўринади. Бу бир турли нуқтаи назар Чўлпон асарларининг сони билан техникаси нуқтаи назаридир. Табиий, адабиёт теварагидаги мунчаллик таъсир биргина сон ва техника билангина чегараланмайди; балки бу теварақдан жуда кенг бўлгон доирада ҳила вақтлар бўлди-ким, «чўлпончи»лар доираси тузилиб қолгон. Шу бобда Ойбек томонидан илмий метўддан «хабарсиз»ликда айблангучи «Айн» ғоятда тўғри муҳокама қилиб айтадики: «Ул (Чўлпон — У.) бу соҳада ёшларни ўз мафкураси таъсирига олиб, миллатчилик, ватанчилик ҳисларини пайванд қилмоқ мақсадида қисман муваффақ бўлмоқдандир». Шу бобда илмий метўд билан «қуролланган» Ойбекнинг соддалигини кўринг: «Бу кунги ёш насл унинг (Чўлпоннинг — У.) соддалигини, тотли услубини, техникасини кўб севади; ундан кўб гўзалликлар олади. Чўлпоннинг мафкураси эмас (ўлма «илмий метўд» — У.), балки яратқон бадиий намуналари ўқулади, воз кечилмайди». Куйироқда Ойбекнинг шу фикрининг (агар шуни ҳам фикр дейилса) бутунлай бўшлигини ва беҳудалигини кўрсатишга таришамиз. Кечирасиз яна четка чиқдиқ. Бу ерда муддаомиз шундаким, Чўлпон ва унинг тузган «чўлпонизм»и ҳозирги ижтимоий ва адабий ҳаётимизда шундай бир ҳодисаким, бунга совуққонлик қилиш жиноят, чунки бу ҳодиса фирқамиз ва «Айн»иқса ёш коммунистлар ва мактаб ўқувчиларининг мафкуравий тарбияси учун Ўзбекистон шароитида жуда бой материал бўлғусидир ва бўла олади. Шундай бой материал бўладиким, агар рус тилидан юзларча сиёсий китоб таржима қилгон билан ҳам бундай сермева материал туғилмайди; чунки бу ҳодиса Ўзбекистон ерининг ҳосили бўлиб, бу ҳосилдан яна ҳосил туғилиб, Ўзбекистон турмушига тан ва жон билан боғланиб келган. Лекин бу ҳодисани туққан ва у билан боғлагон турмуш Ўзбекистонга умумий турмуш бўлмасдан, ўзгаришдан бурун умумий турмушнинг бир кичкина бўлагини ташкил этар эди ва ўзгаришдан кейин бу турмуш ўз «қонуний» мавжудиятини йўқотди, лекин ингичка мафкуравий шаклда давом этади. Ишонмасангиз, шоирнинг ўзидан сўранг:

*Мен энди худди бир самон парчаси...*

*Лекин зўр денгизнинг чексиз кўйнида,*

*Жимгина борадир кирсиз кўйнимда*

*Эркин кўтикларнинг алла қанчаси!*

Чунки Ойбек биладики, «адабиёт ижтимоий ҳаётнинг акс-садоси (эхо) ва даврнинг мафкуравий кўринишидир» ва бўлақлар ва бўлақлар, лекин Ойбек «Айн»дан хафа бўладики, «Айн» Чўлпонни танқид қилгон вақтда ҳалиги Ойбек кўрсатган метўдларни ишлатмаган ва ишлата олмагон. Ойбек мақоласининг ёзилгон мазмуни мана шу, лекин ёзилмагон мазмунини юқорида айтиб эдик. Ойбек мақоласида бир катта зиддият бордирким, у мана бундан иборатдир. Ойбек «Айн»ни эбламсизликда ва юзакиликда айблаган вақтда, табиий, ўзи Чўлпон ҳақида фикр очиб бир янги натижаларга келса эди. Йўқ янги натижалар эмас, балки индамасдан ҳам қолмай, яна худди ўша «илмсиз» «Айн» натижаларини оқизмасдан — томизмасдан такрор қилади. Ойбек мақоласининг бошида қилгон ваъдасида туриб (яъна Чўлпонни текширмаслик) Чўлпон тўғрисида ҳеч бир фикр айтмай қола берса ҳам тузукрак бўлар эди.

✓ Мана «Айн»нинг энг жавобгарлик натижалари: «Чўлпон йўқсул халқнинг шоири эмас, у миллатчи, ватанпараст, бадбин зиёлиларнинг шоиридир; унинг мафкураси шуларнинг мафкурасидир».

«Қисқаси Чўлпон бойлар, миллатчи зиёлиларнинг мафкурачиси-дир, шуларнинг шоиридир».

Мана энди газетнинг ярим бетини қора қилиб «Айн»ни «танқид» қилғувчи Ойбек нима дейди: «Чўлпонда миллий парчалар йўқ деб ҳеч ким айта олмас — бу факт»; «Чўлпон бир шахсдир. Шахс эса ижтимоий муҳит чизгиларининг кесишган нуқтасидир, десак бўлади. Чўлпон шу ҳолда пролетариат шоири бўла оларми эди? Албатта бўла олмайди...» ва ҳақозо. Бу икки «қаршима-қарши» нуқтаи назарда айирма борми? Элакдан ўтказганингизда ҳам бу айирмани топа олмайсиз. Чунки айирма йўқ! Ўқувчининг шу ерда яна бир «арзимаган» воқеага диққатини тортиб кўямизки, «юзаки» «Айн» «йўқсул эли» деб бор гапни таъбирлайди. А чуқур Ойбек бўлса, «пролетариат» деб йўқ гапнинг бошини оғритади. Ўша вақтда Туркистонда пролетариат бўлса ҳам, ўз орасидан мафкурачисини чиқаришқа етишгани йўқ эди. Текширишдан тилак тўғри натижалар чиқариш бўлса, бу натижаларда кўрганимизча, ҳеч айирма бўлмади.

Ойбекнинг муддаоси нима? У Чўлпоннинг нима учун йўқсул элининг шоири бўла олмагонининг сабабларини текширишни истайди?

Ўртоқ Ойбек! Текширинг-текширинг, лекин, барибир, ҳалиги биз кўрсатган натижаларга келасиз-да, чунки у натижаларни олдин «илмий метўд» билан ҳўб ўйлаб ёзгансиз — ўзингиз ёзгансиз.

Бизга «Айн» томонидан жамият ёқловчисининг мандати берилгани йўқ, лекин масаланинг чуқур ижтимоий ва мафкуравий аҳамиятини назарда ушлаб «Айн»нинг асосий натижаларига қўл кўтариб қўйишни лозим топдиқ.

Ойбекнинг Чўлпонга қарши асосан «Айн»нинг қарашидан айирилмаса, Ойбекнинг мақоласи куруққа чопиб қола берадими? Йўқ, Ойбек ўз устози Чўлпонга ҳақ: ёзишда бир нарсани ёзди-да, лекин бу ёзилгон нарса орқасида бўлак чин тилагин беркитади. Ойбекнинг мана шу беркитган чин тилаги таҳлилига ўтмасдан туриб, «мунаққиди» мизнинг бўлак фикрий эвара-чевараларини оёқ остидан йиғиштириб қўйишлиқки, булар эркин юришга халақит бермасинлар.

Хайр энди мунаққиднинг «мунаққиди» Ойбек нимадан куюкади. Ойбекнинг шоирни текширишида илмий, сатсиёлўғичский ва яна билмади, қандай метўдларни ишлатиш томонида...

Энг олдин, Ойбек фанний истилоҳларни ишлатишда русларнинг бир мақолига мисол бўладиким, «товушни эшитгади, лекин бу товушнинг қаердан келишини билмайди». Ойбек «илмий метўд» деб «ижтимоий (сатсиёлўғичский) метўд»ни тушунади. Бу тушунганингиз хом; чунки «товушнинг қаердан келишини» билмагансиз, қайси марксист адабиётида «сатсиёлўғичский метўд» деган истилоҳни кўрдингиз? Бундай истилоҳ йўқ ва бўла ҳам олмайди. Токи бу истилоҳ сиз томондан кашф этилдими? Ундай бўлса, унинг тўғрилигини, илмийлигини олдин исбот қилиб, сўнгра амалий ишлатсангиз бўлар эди; нимага десангиз, бу истилоҳга ҳозирча биз унамаймиз ва бизимча бу истилоҳ янглиш истилоҳдир. Метўд молдий бўла олади; мужодалавий (диалектикский) бўла олади, лекин ҳеч вақт «сатсиёлўғичский» бўла омайди. Сатсиёлўғия ўзи мустақил бир фан ким, ўз-ўзи метўдга мухтож, сатсиёлўғия метўд ва дунёга қараш томонларидан буржуазия ёки маънавийон ва марксист ёки моддийон бўлиб иккига айрилади. Агар Ойбек каби мана шу айирмани идрок этмасдан тўғридан-тўғри «сатсиёлўғичский» деб кета берилса, минг мартаба «марксистча» деган билан ҳаққатда марксистча бўлмайди. Сатсиёлўғия ижтимоий фан сифатида билан кескин суратда синфий фандир. Бунинг учун буржуазия сатсиёлўғияси билан марксизм сатсиёлўғияси (яъни тарихий маддийонлик — исторически материализм) орасидаги айирмани очиқ билиб олиш лозим; тескари ҳолда, бу истилоҳий ишлатишда Ойбек каби икки жаҳон овораси бўлиб қолинади. Метўд тўғрисида бўлса, бизнинг (яъни марксистларнинг) метўди молдий мужодала (материалистическая диалектика)дир.

Истилоҳ масаласида шу билан кифояланамизда, Ойбекнинг яна бир «кашфиёти»га ўтамиз. У эса «мунаққид»нинг хаёл ҳақидаги тушунчасидир. «Айн» мақоласида Чўлпоннинг хаёлпарастликда айблаган. Мана бу ерни Ойбек мисолга олиб келади: «Чўлпон хаёлпарастдир. Чунки, миллатчилар, зиёлилар ва шу мафқурани қабул қилгонлар учун хаёлдек ширин, хаёлдек лаззатлик нарса йўқ. «Шунга ўхшаш Чўлпон ҳам минг қабат кўкларда юради. У ерда «хусни мутлоқ»ни ахтаради. Ҳар ҳақиқатни хаёл кўзи билан кўради ва шундан завқ олади». Ойбек «Айн»ни шу даъвоси учун енгилган ҳисоблаб севинганлигидан ўзини эслан чиқариб қўяди, мана бундай нидо қилиб юборади: «Ана «Айн»нинг мантиқий тушунчаси!».

Ойбек, кўпам шошилманг. Агар сиз шу тамасхўрона нидонгиздаги «мантиқий» сўзини тескарисича тушунсангиз, биз ўнгича тушунамиз ва «Айн»нинг даъвосини жуда тўғри деб топамиз.

Ҳатто Ойбек «хаёл» деган маънони тузиккина тушина олмайди. Бу тўғридаги Ойбекнинг тушунчасизлигини ҳозир фош қиламиз. «Айн»нинг жумладаги «хаёл» сўзи жуда белгилик маънога эгадир-ким, бу маънини бўлакча тушунмак учун Ойбекнинг тушунчаси керак. «Айн» Чўлпонни хаёлпараст деганда, Чўлпон реалист эмас, балки символист, маънавийон демакчи бўлади. «Айн»нинг Чўлпон ҳақида шундай даъвоси фойдасига қўйироқда биз ҳам бир мунча қўшимча фикрларни келтирамиз. Бахтга қарши Ойбек бу тўғри даъвога ҳеч унамаган ва унамаслигини шундай бир чатоқ, боши ҳам йўқ, учи ҳам йўқ «исбот»лар билан «асослайдир»ким, бу «исбот»ларни қайси томондан ушлашга одам гангиб қолади. Ҳар ҳолда мана булардан бошлаймиз. Ойбек «Айн»га қараб дейди: «Демак кимки миллатчи бўлса — хаёлчи экан». Албатта Ўзбекистон шароитида миллатчи бўлсак, сиёсатда хаёлпараст (яъни утопист) бўлишлик билан баробардир. Яна «миллатчи бўлмаган киши хаёлсиз». Бекор айтибсиз «Айн» бундай даъвони қилгон йўқ. Яна: «Эҳтимол — миллатчилар ўз «ғоя»ларига эриша билмай хаёлот кучоғига отлангондирлар». «Эҳтимол» эмас, балки бу ҳақиқат, чунки хаёлпарастлик, маънавийонлик манбаълари кишининг ташқари дунё ҳодисалари олдида кучсизлигидан иборатдир; киши ўз тилагига ҳақиқатан етолмасдан, маънан «етади». Ҳамма динларнинг умумий манбаъси ҳам шундай белгиланади. Бундан ташқари Ойбекнинг бу сўнгги жумласи «Айн»ни «танқид» қилиши боғланишидан қараганда, ҳар қандай маънодан маҳрум қолади ва бу жумла бу ерда нима тилак билан ёзилгонлиги

маълум эмас. Яна: «Лекин бир шоирни текшириб тургон мунаққиднинг шоирдаги яратувчи хаёли манбаини миллатчиликка боғлаб қўйиш менимча хато». Худди сизча хато, лекин бизча ва бўлак ҳамма масалаларни тўғри тушунадиргонларча хато эмас. «Шоирни текшириб тургон мунаққид» шоирнинг сиёсий назариясини, яъни ҳозирги мисолимизда унинг миллатчиликка муносабати ҳақида фикр айтмаслиги шоирни текширишлик бўлмайди, балки Ойбек каби чучварани хом санашлик бўлади. «Айн» жуда яхши қилади ва илмий мەтўдга дуруст риоя этади, ким танқид қилаётқон шоирининг сиёсий назарияси ҳақида кескин фикрни майдонга ташлаб қўяди. Қани, Ойбекнинг илмий кучи бўлса, «Айн» томонидан айтилгон даъвони рад қила олсинчи, кўрайлик, ҳай, қайси гўрда!

Яна: «Башарий туйғулар билан тошқон пролеориат шоирларида хаёл йўқ дейсизми?» Ойбекнинг «хаёл» сўзининг маъносини чатоқ қилгонлиги мана шу жумладан кўрилади. Ойбек танқид қилмоқ учун мантқиқий исботлар тополмасдан «Айн»га қуруқ тухмат қила бошлайди ва «Айн»нинг жумласидаги маъноларнинг оёғини осмонга қила бошлайди. «Агар миллатчилик билан хаёл бир-бирига боғлиқ бўлса бутун шоирлар миллатчи экан-да». Қандай бошу оёқсиз фантазиё (Ойбекникидан бошқача) «Айн»нинг тўппа-тўғри фикрини шундай қарши олади?! Ойбек ўзингиз инсоф қилингки, хаёлпарастлик маъноси билан умумий хаёл, яъни ўйлашлик маъноси орасида айирма борми, ё йўқми? Рост гапиринг — сиз шу айримани идрок этасизми? Кўрқаманким, сиз муни жуда кучсиз ҳолатда идрок этасиз, нимагаки мана бу жумлангиз буни очик кўрсатадир: «Дунёда ҳеч ким хаёлсиз шоир ва хаёлсиз адабиёт тасаввур эта олмас, балки «мунаққид» «Айн» тасаввур этмаса». Ойбек жумлангизнинг сўнгги бўлимидаги кулиш, жуда вақтсиз кулиш ва ярашмаган кулиш! Хаёлни ўйлашлик маъносида олгон вақтда фақат шоир ва адабиётни тасаввур қилишлик мумкин бўлмайди эмас, балки хаёлсиз ҳеч қандай тирик аъзони (хоҳ одам бўлсин, хоҳ ҳайвон бўлсин, ҳатто ўсимликлар бўлсин) тасаввур қилиш мумкин эмас. Ойбек бу хаёл масаласида Ленинни ҳам сиқаштириб қўяди, лекин, эссизгина, ёзғучи Лениндан келтирган иқтибосини қаердан олгонлигини очик кўрсатмаганлиги учун (Ойбек кўлидан шу келмаган!) биз Ойбек Ленинни қандай тушинганлигини текшира олмадиқ, лекин биз аминдирмизким, «мунаққид» шунда ҳам чатоқ қилгон.

Бизимча, бу ерда ўқуғувчи ҳам масаланинг асосий бўлимига ўтиш вақти келганини сезиб турибдир. Масаланинг асоси Ойбек-

нинг Чўлпон ҳақидаги чин фикрининг янглиш эканлигини кўрсатишдан иборат. Ойбек ўз мақоласида демакким, «Чўлпон мана шу-мана шу сабабларга кўра пролеториат шоири бўла олмай қолгон, унинг мафкураси ҳам пролетариат мафкураси эмас. Лекин шундай бўлса-да Чўлпон бизнинг ҳозирги адабий эҳтиёжимизга («адабий эҳтиёж» деб қандай тақсимотга айтилади?! — У.) жавоб бера олмас деб ундан қўл йиғамизми? Менимча бу нарса хато». Яъни Ойбекча шоир Чўлпон бизнинг «адабий эҳтиёжимиз»га кераклик, нимага десангиз «Чўлпон янги адабиётда янги нарсалар яратти. Мувашшаҳ адабиёти ўрнига бу куннинг бадий завқига яраша ёқимли гўзал шеърлар ўртага чиқарди. Бу кунги ёш насл унинг содда тилини, тотли услубини, техникасини кўб севади; ундан кўб гўзалликлар олади. Чўлпоннинг мафкураси эмас, балки яратқон бадий намуналари ўқулади, воз кечилмайди». Мана Ойбекнинг Чўлпондан воз кечмаслигимизга кўрсатган «сабаблари» ва «исботлари». Бу «сабаблар» ва «исботлар» гўзал санъатнинг бир шохчаси бўлгон адабиётга янглиш қараш, янглиш, яъни маънавийонларча тушунишдан натижадирлар. Ойбек (агар у ўзини марксист чоғлаб юрса ҳам) адабиётга буржуазияча қарайди, нимагаки кўрганимизча, у гўзал санъатнинг шаклини мазмунидан бутун айириб ташлаб, шаклини алоҳида ва мазмунни алоҳида кўради. «Чўлпоннинг мафкураси эмас (тагини биз чиздик — У.) балки яратқон бадий намуналари (тагини биз чиздик — У.) ўқулади...» деган жумла Ойбек адабиётга буржуазияча қарайди, деганимизга қатъий далил бўла олади. Чунки Ойбек «мафкура» билан «намуна» орасидаги боғланишни кўрмайди ва унга кераклик аҳамиятни бермайди. Бу ҳақда биз гўзал санъатта марксизм қарашини асослик текширган Пелихонофнинг очиқ ёзгон фикрини мақоламызга сўзбоши қилиб олдик. Пелихонофнинг ўша фикридан очиқ кўрилса бўладирким, «марксист» Ойбек марксизмдан айтиб бўлмаслиқ даражада узоқда туради. Бу ердан шуни айтиб қўйишлиқ керакки, Ойбек Чўлпоннинг мафкурасини ўлаётган майда буржуазия, миллатчилик мафкураси бўлгонлигини инкор этмайди. Шу билан (Ойбек, сизга қуллик!) бизнинг вазифамиз енгиллашади, нимагаки, Чўлпоннинг мафкураси ҳақида «мунаққиди»миз билан ошиқча гап талашиб ўтиришга ҳожат қолмайди. Лекин шундай деб хотиржам бўлиш ҳам ярамайди, чунки Ойбек Чўлпоннинг «намуна»ларига унинг «мафкура»сидан «ташқари» шу қадар аҳамият беради-

ким, агар Ойбек Чўлпондан зимнан мафкуравий томоқ емаса, унинг шаклини бу қадар махтамас эди. Ойбек олдин Чўлпоннинг мафкурасини севган, сўнгра шаклини ёқтира бошлағон. Бу табиий, чунки мазмундан айрим ҳолда севишлик «адабий эҳтиёж» ҳийла ерларга етиб қолгонда бўладурғон гап. Мана мунинг учун Чўлпоннинг мафкураси ҳақида, калта бўлса ҳам индамасдан кета олмаймиз.

Чўлпоннинг шоирлиқ сифати билан ноқислиғи, узрлиги унинг мафкурасидадир. Бу мафкура замонимиз нуқтаи назаридан иртижоъ қилувчи (реакционная) мафкурадир. Лекин шоир орқаға қайтишдан умиди узилган вақтидагина ўз-ўзига тасалли бермакчи бўлади:

*Энди у кунларим ўтиб кетдилар...*

*Энди турмушимда ойдин кечалар йўқ.*

*Вафосиз севгилар учиб битдилар...*

*Англадим: севгида ҳар кўнгиб бузуқ!*

\* \* \*

*Кўнглим қуриқ эмас яна севги бор:*

*Фақат бу севгида алданиш йўқдир.*

*Ҳорғон кўзларимда хаёл яна бор:*

*Фақат бу хаёллар нурдан тиниқдир.*

Шоирнинг бу севгисидан ва бу «нурдан тиниқ» хаёлларидан кимга иссиғу кимга совуқ!

Шоир маънавиюн ва шахсиятпарааст (индивидуалист), бунинг учун ҳар бир сиёсий ва ижтимоий ҳодисага кўбчилик номидан эмас, балки ўз шахсий томонидан қарайди. Шахсий томонидан қараганда ҳам ақл кўзи билан қарамайди, балки кўбрак юрак (туйғу) кўзи билан қарайди. Ҳозир Ойбекнинг кўзлари олайиб, олайиб кетгандирлар. Чунки Ойбекча, «шоир мантиқнинг қатъий чизигидан чиқа олмайдуруғон мутафаннин эмас» ва «реалний фактлар тузмаси шеър ҳисобланмас».

Шу марксизм бўлса менинг калламни кесиб юборинг! Чўлпон маънавиюн-шахсиятпараастликда қари шарқнинг тасаввуфига яқинлашиб қолади. Бу тўғрида «Дамлар» шеърида мана бу нарсани ўқиймиз:

*Баъзан хаёл этагини тутқузмас,*

*Ёт ерларга ўз бошича йўқ бўлур.*



*Шунда эс ҳам қалб тилига тушинмас.  
Боши қотар, кўполланур, тўнеланур.*

Будан ташқари, Чўлпонда шарқ классик маънавийонларнинг таъсири катта. Чўлпон ҳозир ҳам «Ҳиндистон Толстой» Тағурга жуда қизиқади ва Тағур сўзларини ўз шеърларига тож қилади.

Чўлпонда саботлик, мустақил дунёқараш йўқ. Чунки шоир шундай табақалар (майда хўжайинлар ва ҳалокатга бораётқон косиблар)нинг ҳолига йиғлайдирким, уларда мустақиллик бўлмайди ва булар ўзгаларнинг кўмаги билан ҳаёт кечиради. Бу ҳақиқат Чўлпоннинг у шохдан бу шохга кўниб юришига асосдир. Чўлпон бу кун умидсиз, кўз ёши билан бир шеър ёзса, эртагаёқ кулиб, иқболга умид билан тикилиб, киши фаҳмламайдурғон шакли маъносига яраша шеър ёзиб қўяди. Мисол учун: «Кўзғолиш», «Ёнар ўт», «Урфон келадир» ва бўлақлар.

Шуни ҳам айтиш керакким, Чўлпон мана шундай мафкуравий томонидан тузукрак нарса ёзғонда ҳам, асари синфий томондан кучсиз бўлиб, миллатчилиқ ва шарқчилик фойдасига ёзиладир.

Чўлпонда сабот йўқлигини унинг «2 бош 1 тана» шеъри яхшироқ кўрсатади. Мисол учун мана бу сўзлар Чўлпонники деса, ким ишонади?

*Мақсад — олтун,  
Олтун — қонун.  
Ҳақиқат — ўт,  
Ҳўқўқ — тўп, пулимўт!*

Чўлпонда мантикий ва ақлий (рациональний) бир эътиқод йўқлиги, бизнинг билишимизча, шоирнинг шахсий хусусиятларидан бошқа ундаги ижтимоий муҳитнинг кучлик таъсири, инжиқлик даражасига довор борадурғон шахсиятпарастликдан натижадир. Чўлпон 1922нчи йилда Тошкентда «Кўзғолиш» шеърини ёзади:

*Ай, сен мени ҳақир кўрган, тубан деган афанди!  
Ай, устимдан бир умрга хўжа бўлмоқ истаган!  
Ай, бўйнимга кишан солиб, ҳалокатга судраган,  
Кўзларинг заҳарлатиб ўйнатмағил, бас энди!  
Кишанларинг занг босгандир, сергак бўлким, узилур;  
Томиримда кўзғолишининг, ваҳший қони гунурди,*

*Эски фикр, анъаналар энди буткул узилди,  
Ё битарман ёки сенинг салтанатинг бузилур! (Ха, бормисан,  
Чўлпон?! — У.)*

*Ай, сен мени кул ўрнида ишлагувчи афанди!*

*Титра, кўрқким, боғлиқ қулинг бош кўтарган куч энди!*

Лекин бу ердаги «афанди» синфий душман бўлмасдан миллий душман бўлса ҳам, шеърдаги руҳдан ҳаётнинг ва саломатликнинг иси келади.

Худди шу Чўлпон 1923 нчи йилга келиб Андижонда «Самон парча» шеърини ёзадиким, «Кўзғолиш»даги шоирнинг тушинчаси бу билан бутунлай инкор этилади.

*Муҳит кучлик экан эгдим бўйнимни,*

*Чақмоқдек ялтираб ўчиш йўқ энди,*

*Ёлғон хаёлларга кўчиш йўқ энди.*

*Олқишининг йўлига солдим ўзимни.*

\* \* \*

*Кирмайман кўчанинг боши беркига,*

*Чунки, «таслим» бўлдим муҳит эркига.*

Қани бунда руҳ, қани бунда фаолият (активность)?! Ё (Агар буни Ойбек инкор этса ҳам) «боши берк хаёл кўчасига» киради, ё фақат «таслим» бўлади, лекин курашмайди.

Мақоламизнинг юқорироғида Чўлпонда белгилик мафкурани кўрсатиб туриб яна шоирда бир мантиқий ва ақлий эътиқод йўқ дейишимизда ўқувчи зиддият кўрмасин. Чунки шоирнинг мафкураси умумий ўз турмушини сўнгига етказган ижтимоий ва иқтисодий маданият мафкураси бўлса, бундай мафкура биз айтган мантиқий ва ақлий эътиқоддан иборат бўла олмайди, демак, бу ердаги икки маъно ҳар бири ўз-ўзига мустақил маънолардир. Мантиқий ва ақлий эътиқоди бўлгон кишида мафкура ҳам соғлом бўлиб истиқболга умиди қаттиқ бўлади. Жўлқунбой «Тонг сирлари»га ёзгон сўз бошисида йўқ нарсани бор қилишга интилади; кўз ёшлардан «чечаклар унгуси»ни кутади. Ҳеч жаҳонда кўзёши билан чечаклар ундириб бўладими? Жўлқунбой шоирнинг ўзи тўғрисида ўйлагон.

«Мен кўкларга беркинган ер қизидан хаёлимни олмайман», деган

фикрига суялиб туриб, Чўлпон кўк шоири эмас, ер шоири деб-да даъво қилади. Энг олдин бир шоир эмас, балки ҳар шахс тўғрисидаги фикрда ўша вақтга қадар бўла оладирким, агар шу фикр шахсининг ўзи тўғрисида ўзининг фикри бўлмасдан ўзгаларнинг фикри бўлса ёки Чўлпон тўғрисидаги холис фикр унинг асарларининг таҳлилидан ҳосил бўлгон бўлса.

Замонимиз турмушининг ҳар бир унсурларидан (шоирдан бўлсаку — эрта билан қотқолангда) меҳнаткаш оммасининг фойдасини кўзлаб қимирлашни сўрайдир.

Ҳозирги ижтимоий инқилоб даврида илгари шахслар мулки бўлиб ҳисоблангон ҳодисалар ва маънолар ўзларининг асосларини йўқотишга юз кўйгонлар. Умумий иқтисод олаמידан бошқа, турмуш маданиятида ва мафкурада хусусий мулк инъикоси боргон сари ўзини йўқотиб боради ва бизнинг ҳар кунги амалий сиёсий ва иқтисодий ҳаракатларимиз ҳам шу оқимни тезлатиш ва ташкил қилиш тилагидадир. Эски турмушдаги оила муассасасининг бу кунларда ўзгариш усули билан бузилиб бориши ҳалиги умумий оқимдан бир кўринишдир. Бу оқим тарихий зарурият остида бораётгани учун, эски оила бузғунлиги ифлос унсурлар ва қаро кучлар томонидан гуноҳсиз хотин-қизларнинг қонлари тўкилиб турса ҳам, тўхтамайди. Эски катта мулкдорлар ва улардан «мафкуравий» қолгинди хунасалар кескин суратда хотиржам бўлсинларким, бу — буюк тарихий оқимни уларнинг бурчак-бурчакда кўрсатадургон «мардлик»лари ҳеч вақт тўхтата олмайди ва хусусий мулк моддий йўқолғони каби маънан ҳам мафкуравий йўқотилади ва хусусият ўрнига албатта умумият кўйилади.

Шоир Чўлпон ўзининг руҳий ташкилоти ва мафкуравий маҳсулоти билан астайдил замонимизнинг ҳукм сурғувчи интилишининг олдиға тушиб югуриб кета оладими? Ҳақиқатни тасдиқ қилиб кўйишга мажбурмиким — йўқ.

Мақоламизни ёзиб тургон вақтда бир ўртоқ келиб менга савол бердиким: «Ҳа, сиз шоир «заказ»га шеър ёзиб берсин демакчи бўласизми?» деб. Бу «ўртоқ»нинг саволидан ва аптойдан ҳам майда мулкдорларга ачиниши билиниб турар эди ва ўзининг «ақлий» қараши билан бурнидан бир қарич узоқликни кўра олмас эди. Бу саволнинг биз ёзиб тургон мавзуга тегишлиги йўқ учун жавоб бермадим; нимагаким, мен шоирдан «заказ»га шеър ёзиб беришни талаб қилмасдан, балки бор ҳақиқатни тасдиқ қилар эдим, холос.

Чўлпон ўзининг шоирлик вазифасини тўғри тушунмайди ва унинг шеъриятга қараши Ойбекнинг қараши билан бирдир, яъни бу қарашча, шеъриятнинг ўзи, ҳар қандай боғланишдан ташқари, мустақил мавжудиятга ҳақи бор. Бу даъвомиз куруқ бўлмаслиғи учун уни «Мен шоирми?» деган шеър билан хужжатлай оламиз; бу шеърнинг иккинчи бўлимида, мана бу сўзларни ўқиймиз:

*Чунки, хаёлимнинг кўзлари билан,  
Бир гўзал ҳолатни кўриб турамен;  
Лаззатга фарқ бўлиб, ўлиб турамен.  
У ҳолни борлиқнинг сўзлари билан.  
Англатиш, қўлимдан келмай қоладир.  
Шу чоқда тилларим галдираб кетиб,  
Борлигим йўқликқа галдираб кетиб,  
Дейманким: «Бошқалар билмай қоладир.  
Шундай гўзалликни, аттанг, агар мен  
Рассом бўлсам эди, чизиб берардим,  
Ўхшаш нусха билан ёзиб берардим,  
Шу ожиз ҳолимда шоирманми мен?»  
Шоирлик менда бир соями дейман,  
Ҳар бир тушунчамни ёза олмагач!  
Рассомдек хаёлни чиза олмагач!  
Ҳақир борлигимга кўб афсус ейман.  
Хаёлим юксакдан тушиб кетадир,  
Шоирлик чанг бўлиб учиб кетадир.*

Биринчидан, бу шеър шоирнинг хаёлпарастлигини ошиқча исбот қилади ва шоирнинг ўзи «чизган» шу ҳоли (иборатимиз учун кечирилсин) худди эски кўкнорининг саҳар вақтидаги кайфига ўхшайди.

Шоирнинг хаёли ёқтирадурғон мешчанлар нуқтаи назаридан бўлса, бу шеър шоирнинг «баланд»лигини кўрсатади. Ҳақиқат нуқтаи назаридан бу шеърнинг мазмуни имкониятдан ташқаридир, нимагаким, «тушунча» бўлғонидан сўнг киши ёзолмасдан ва «хаёл» бўлғонидан сўнг чиза олмасдан мумкин эмас. «Тушунча» ва «хаёл» кишининг миясидан ҳосил бўладурғон нарсалар (бу ердаги «наrsa» моддий бўлмасдан маънавийдир) эмас, балки улар ташқи ҳодисаларнинг миёдаги инъикосидирлар; ҳақиқат оламидаги нарсаларнинг мия ёрдами билан маънилашганларидан иборатдир. Бунинг учун

шоирнинг «тушунча»си ва «хаёли» ёзишга ва чизишга келмасалар, улар ҳақиқий олам ҳодисаларининг ҳосилати бўлмасдан яна шоирнинг ўзига бўлгон олам ҳодисаларидирким, бу ҳодисаларнинг ҳақиқийлиги йўқликқа мусавийдир. Салим шеърият нуқтаи назаридан «Мен шоирми?» шеърининг «чизган» ҳоли ҳеч қандай танқидга арзимаيدи, чунки гайриҳақиқий унсирлар шеъриятга асос бўла олмайди.

Чўлпоннинг бу шеъри кўрсатадирким, у шоирнинг ҳунари фақат хаёли (майли қандай бўлмасин) шеърий усулда гавдалашдан иборат деб тушунади. Шу сабабдан биз ҳам Чўлпоннинг:

«Шоирлик менда бир соями дейман», фикрига жуда қўшилгимиз келади.

Чўлпон ўз асарларида тарихий даврнинг ижтимоий ва сиёсий эҳтиёжларини қонарлиқ сабот билан кўзлая олмағонлиги учун у Пушкин қаторида тура олмайди. Рус адабиётининг классиги Пушкин ҳам мафкураси билан, ҳам шеърияти билан ўз даврининг кўркам тараққийпарвари эди. Пушкин ҳар бир асари тарихий, сиёсий ва шеърий жиддиятга эгадир. Пушкин қуруқ шеър ёзғувчи бўлмасдан, ўша вақтда яхшигина муаррих ҳам эди («Капитанская дочка», «Барис Годунов», «История Пугачёва» ва бўлаклар).

Пушкин ўз асарини ўз даврининг ижтимоий ва сиёсий нуқтаи назаридан қутилиш ва тараққийга юз қўйиш амаллари билан тўлғазгандир. Шу интилиш билан рус ҳақиқатини расм этган. Ойбек! Пушкиннинг қуввати ўшандадирким, унинг шеърий асарлари «реалний факт тизмаси»дан иборатдир. Пушкин рус турмушини энг олдин ақл билан танифган, яъни у (сизга айтамен, марҳаматли Ойбек) «мантиқнинг қатъий чизигидан чиқмаган мутафаннин» бўлиб шоир эди. Албатта, Пушкин мутахассис олим эмас эди, лекин унинг сўз билан чизган расми қанча «реалний факт»га яқин бўлса, ўшанча чиройлиқ бўлар эди. Ойбек «Пушкин, инқилобдан сўнг ҳам Пушкин бўлиб қолди» дейди; лекин нимага шундай бўлиб қолгонини айтмайди. Айтади, лекин юзаки айтади: «Балки ҳозирги йўқсил ёшлар унга (Пушкинга — У.) яна катта қиймат берадирлар. Уни ўқиб асарларида чўммак истайдирлар». Ойбек нима учун Пушкиннинг асарлари гўзал деган саволни бериб тўғри жавоб топсангиз, бу жавоб бизнинг фойдамызга ва Ойбекнинг зарарига бўлади; чунки Пушкин асарларининг гўзаллиги шундадирким, шоир ўзидан ташқариға ҳақиқатни сўз билан тўлиқ тасвир этти. Шоирнинг сўздан ҳақиқат-

нинг ҳеч бир ингичка ери қочиб қутила олмади. Биз «ҳеч бир» деб бир оз лоф қилдик. Лекин демакчи бўламизки, Пушкин асари ўшанча гўзал, ўшанчалик кучлик. Бу асар ҳақиқатни қанча тўлиқ қопласа, Ойбекнинг «Рус шоирининг (Пушкин — У.) бадиий намуналарини берди» жумласидаги «бадиий»ликни биз Ойбекча тушинмаймиз, яъни бу «бадиий»лик моддий асосдан мустақил бадиийлик эмас. Балки у Пушкин ўз асарларини шоирни ўраб олгон муҳитга яраша («бадиий»роқ) қилиб пичканлигидан иборатдир.

Агар биз бу вақтда Пушкинни ўқусак ва унга ибрат билан боқсак, буни биз, Пушкиннинг шеърларига кўр-кўронасига тақлид қилмоқ учун қилмаймиз, унинг нусхаларидан нусха кўчирмаймиз, Пушкин биз учун шеърятда ўзгартириб бўлмайдургон режа эмас. Пушкин бизга расом билан ташқари дунё орасида қандай муносабат бўлиши лозимлигини билмак учун керак. Худди мана шу нуқтаи назардан Пушкин билан Чўлпонни бир даражага қўйиш хато. Нимага? Пушкин расомлик сифати билан ўрناق бўлишга яраса, Чўлпон ўз даврининг ҳақиқатидан сўровидан ортдадир; мана шунинг учун ул тараққийпарвар расом бўлмасдан, таназзулпарвар хаёлпарастдир.

Гўзал санъатнинг шакли, нусхаси ва бадиийлиги унинг мазмунига вобастадир. Шеърнинг гўзаллиги унинг амали билан ўлчанадир. Бунинг мазмуни ва амал ўзгариши билан гўзал санъатнинг ва адабиётнинг шакли ҳам ўзгаради. Бунга сўнгги ёш ўзбек адабиёти кам-кам эски аруз вазнини сиқиб чиқариши кўб далиллардан биттасидир.

Гўзал санъатда шакл билан мазмун оралигидаги муносабат ҳақида кераклик даражада тўлиқ тўқташга газет бетлари ижозат бермаганлари учун мақолага ниҳоят бериб, натижада шунигина деймиз: Ойбекдан бошқа ҳам кўб ўртоқлар энди Чўлпонни ярамайди деб чиқариб ташлаймизми, деган нотўғри савол олдида туриб қоладирлар. Бизимча, бу саволни чиқариб ташлай оламизми, деган саволга айлантириш керак. Шу ҳолда янги ёш адабий кучларимиз олдиларига янги-янги улуғ вазифалар туғилғусидир.

*Усмонхон*

## МУНАҚҚИДНИНГ «МУНАҚҚИДИ» МАҚОЛАСИНИНГ ЭГАСИГА

«Қизил Ўзбекистон» газетасида босилгон «Шоирни қандай текшириш керак?» сарлавҳали мақолага қарши Усмонхон «Мунаққиднинг «мунаққиди» дейилган мақола билан ўртага чиқди. Билмадим, нечундир, «мунаққид» ёзгон мақоласида ҳар дақиқада бир «четка» чиқиб қўяди. Системасиз, тартибсиз «четка чиқиб қўйишни» кўб севган (услуг — инсондир, зарари йўқ) бу мақоладаги фикрларнинг баъзи асосий нуқталарига жавоб бериб ўтишни лозим кўрдим.

Мақоламда Чўлпон хусусида қалам олгон «Айн»нинг, тўғриси, унинг текшириш метўди устида сўз юритган эдим. Усмонхон «Айн»нинг метўди ва фикрларининг пишиқ ёки хомлиғи тўғрисида фикр этмасдан, мени бомбардимон қилишга тиришкан. Усмонхон «Шоир Чўлпоннинг мафқураси ҳақида «Айн» томонидан ёзилгон бир турли тўғри фикрларнинг қийматини туширишга тиришади ва мақоланинг ёзилмагон марказий тилаги ҳам шундадир» деб, мақоламга «ёзилмагон марказий тилак» ҳам боғлаб қўяди.

Биринчидан, шуни яширмаслиқ керакки, Чўлпон тўғрисида «Айн»нинг мақоласидаги фикрлари «Айн»ники эмас, «унинг таҳлилидан чиққан мулоҳазалар» дейиш янглишдир. Чунки «Айн» мақоласидаги фикрлар, тушунчалар умуман англашилгон ва ҳар кимнинг бошида туғилгон фикрлардир. Фақат «Айн» мақоласининг қиймати ҳалиги айтганимиз фикрларни шарт-шарт очиқ қилиб шу масалага бошқаларни жалб этишдадир. Мен «Айн» мақоласидаги фикрларнинг қийматини йўқотишга тиришмасдан, балки уларга қўшилгон эдим. Мақоланинг марказий пунктини ташкил қилгон нарса Чўлпоннинг қайси синфга, қайси ижтимоий табақага мансуб шоир эканлиги, парчаларида қайси синфнинг орзу ва тилақларини акс этканлиги масаласи эди. «Марказий тилак» мени адаштирса, «тўғри фикрларнинг қийматини туширишга» сургаса, шу фикрлага қарши чиқмасмидим?

Бошқа илм соҳаларида бўлғони каби, адабий асарларни текширган вақтда ҳам шахсий орзу ва «тилак»ларни бир томонга йиғиштириб қўйиб, масалага объектив қараш лозимлигини, акс ҳолда тадқиқ ва таҳлилдан бир чақалиқ натижа чиқмаслигини яхши англай-

ман. Шунинг учун Усмонхоннинг «марказий тилак» дейиши тўғри эмас.

«Айн» текширишларида бадий асарлар ичига кўмилган ҳис ва фикрларни «санъат тилидан сатсиёлўғия тилига» марксист мунаққид каби кўчира олмағонлиги юзасидан мен унинг усулсизлиги тўғрисида сўзладим. Асосий қаршилик усул — метўд устидан чиққандир. Шунга кўра «Ойбек «Айн»ни танқид қиламан деб, келиб-келиб ўз майлига қарши яна «Айн»нинг остонасига бош кўяди» деган Усмонхоннинг бу даъвоси бўш ва маъносиз нарса, чунки асосий қаршилик усул масаласи. Бу тўғрида унинг билан ҳали келишганимиз йўқ.

Шоир кўб вақт ўз синфининг умидларини асарларида ғайришуурий акс этдиралар, синфий бир савқи (инстинкт) билан мансуб бўлгон синф, зумра ва табақанинг бошидан ўткан ва ўтқуси ҳаётий воқеаларни ҳис этар ҳам шуларнинг ҳаёти, ҳаловати билан жуда боғлиқ бўлар. Шоирнинг ўз синфий идеолўғи бўлиши ҳам шундадир. Мен шоирга шу нуқтаи назардан қарагонлигим учун ўз мақоламда «зеҳният кураш ва ҳаёт ила касб этилади ва шу билан ўзгаради. Шунинг учун бизда шу вақтгача пролетариат шоирлари етишмади. Шоирнинг қулоқларидан чўзиб туриб йўқсуллар шоири бўл дейиши мумкин эмас», деган эдим. Бундан мақсадим дунёни меҳнаткашларча идрок этадургон, дунёга меҳнаткашлар кўзи билан қарайдургон шоирлар ишчи-деҳқон кучоғидан чиқа оладирлар, дейиш эди.

Усмонхон «файласуфнамо» калласи шу фикримни ҳам дурустгина тушунмабдирки, «шоирнинг хурлигига тегилш гуноҳ дегувчилар ҳам йўқ эмас» деб кўзининг шоҳсоққасини ўйнатқонга ўхшайди. Яна «шоирлар жисмоний қулоқларидан чўзилмасалар ҳам, «қулоқларидан чўзиладирлар!» сўзи билан керилиб кўядирки, бунинг «тўғрилиғи» билан «Ленин пайғамбар эмас, лекин пайғамбар» «фикри» баббаравар. (Шу тартибда айланма, чигал фикр юритиш ҳам ҳазил гап эмас!). Ўзи шундай «жинни даъвони» қилиб туриб тагин менга «бундай жинни даъвони ҳеч ким қилғони йўқ» деб дўқ қилади.

Мақоламда шоирни текшириш учун марксистча метўд кераклигини ва «Айн»да шундай метўд йўқлигини сўзлаб: ««Айн» каби масалага юзаки қараб кетиш кифоя қилмас. Бунинг учун марксизм кўзлигини тақиб даврларга яна чуқурроқ қарамоқ керак. Марксистча ижтимоий метўд шундай юзакиликка қаршидир»; яна бир ерда тўғридан-тўғри «сатсиёлўғический метўд» деб кеткан эдим. Мана шундай «сотдиолўғический метўд» деган истилоҳни Усмонхон кўриб ўта-



каси ёрилиб кетканга ўхшайдирким, исмга келишмайдурғон «фикр»лар тўқа бошлайди ва метўд хусусида «мударрислик» қилишга тиришади.

«Мунаққиднинг» метўд айланасидаги тушунчасига қарангиз: «Энг олдин Ойбек фанний истилоҳларни ишлатишда русларнинг бир мақолига мисол бўладирким, «товушни эшитади, лекин бу товушнинг қаердан келишини билмайди». Ойбек «илмий метўд» деб ижтимоий (соцсиёлўғический) метўдни тушунади. Бу тушунчангиз хом. Чунки «товушнинг қаердан келишини» билмагансиз. Қайси марксист адабиётида «соцциолўғический метўд»ни кўрдингиз.

Бундай истилоҳ йўқ (тушунчангизга қойил! — О.) ва бўлмайди. Ёки бу истилоҳ сиз томондан кашф этилдимиз?»

Бу сатрларни ўқиғонда кишининг юзига шубҳали бир кулгу сайр этади. Чунки Усмонхондан шундай нарсани эшиткач, кулгудан бошча чора йўқ.

Мақоланинг бошига Пелихонофдан бир парча қўйғон Усмонхон Пелихонофнинг санъат ва адабиёт ҳақидаги асарларини жуда ҳам чалама-чатти ўқуғон. Бўлмаса, «бу истилоҳка ҳозирча биз унамаймиз, бизча бу истилоҳ янглиш истилоҳдир», демас эди. Чунки санъат ва адабиёт махсус бир текшириш соҳасидирким, ижодиётнинг мана шу қисмини тадқиқ учун керакли қуролни — сатсиёлўғический метўдни биринчи мартаба буюк марксист Пелихоноф ишлаб берди. Мен ҳам «кашф» қилишга қудрат сезмайман, эҳтимол, сиздек бўлғонимда қилсам. Ҳозирча ўқиб, тушуниб, бор нарсани ёзаман. «Сатсиёлўғический метўд» ҳам менинг қўлимдан сукулғон эмас. Балки марксист адабиёт мунаққидлари томонидан ишлатилиб тузилган бирдан-бир метўддир. Бу кун русча адабий танқидга оид китобларни ўқусангиз, кўзингизга лоп этиб кўринадурғон истилоҳ «сатсиёлўғический метўд» деган истилоҳдир.

Ҳозирча адабиёт майдонида икки хил метўд бор. Биринчиси — сатсиёлўғический метўд, иккинчиси — «адабий асарнинг моҳияти шаклдир» даъвосини қилғон формалний метўддирки, сўнггиси борғон сари ўртадан йўқола боради. Демак, асос ўлароқ, сатсиёлўғический метўд қолади. Усмонхон мендан: «Қайси марксист адабиётида сатсиёлўғический метўд деган истилоҳни кўрдингиз?» деб савол сўрайди. «Кашф»ни исбот учун бир-иккита мисол келтирайлик:

«Бизнинг алоқамизнинг (мактабдаги ижтимоият дарси ила. — О.) иккинчи пункти — бизнинг умумий метўдимиздир, сатсиёлў-

гический метўддир. Шаҳар повестлари, Островский драмаларининг пайдо бўлишини биз иқтисодий такомил билан, шаҳарнинг ўсиши билан асослаймиз» (Адабиётчининг назария ва амалиёти. Мақолалар тўплами. Рибников таҳрири остида. Саҳифа 64). Яна шу китобда Глубоковнинг «Адабиёт ҳақида марксистлар» деган мақоласи бор. Бунда айтилади: «Адабиёт таҳлилнинг сатсиёлўгический метўдини Пелихоноф таклиф қилиб, нафис адабиётнинг санъат эканлигини унутқон эмас» (Саҳифа 126). Усмонхон «Сатсиёлўғия ўзи мустақил бир фанким, у ўзи метўдга мухтож. Сатсиёлўғия метўд ва дунёқараш томонларидан буржуазия ёки маънавийон ва марксист ёки моддийон бўлиб иккига айрилади. Агар Ойбек каби мана шу айирмани идрок этмасдан, тўғридан-тўғри «сатсиёлўгический» деб кета берилса, минг мартаба «марксистча» деган билан марксистча бўла олмайди. Сатсиёлўғия ижтимоий фан бўлиши билан кескин суратда синфий фандир. Бунинг учун буржуазия сатсиёлўғияси билан марксист сатсиёлўғияси (яъни тарихий моддийонлик) орасида айирмани очик билиб олиш лозим», дейди.

Тўғри, сатсиёлўғия жамиятнинг умумий такомул қонунларидан баҳс этадургон жамият тўғрисида абстракт бир фандир. Лекин Усмонхон шунга англамайдириким, сатсиёлўғия мустақил фан бўлиши билан баробар, тарих, ахлоқ, санъат каби ижтимоий илмларга (общественные дисциплины) метўд бўла олади. Бир дин олими ёки санъат мутахассиси тадқиқ қилар экан, сатсиёлўғиянинг умумий асосий қонунларини қурол қилиб тегишлик натижалар чиқаради. Демак, сатсиёлўғия ёлғиз фан эмас, ҳам фан, ҳам метўддир. (Қарши эмасмисиз, Усмонхон!). Сўнгра мен мақоламнинг бир жойида тўғридан-тўғри «сатсиёлўгический» деб кета берганман. Бунда зўр гуноҳ йўқ. Чунки бизнинг Шўролар Иттифоқида ёлғиз Маркснинг сатсиёлўғияси аталгон тарихий материализм назарияси ҳукм суради. Биз сатсиёлўғия деганда, тарихий материализмни англаймиз. Шунинг учун «айирмани очик қилиб олиш»нинг ҳожати йўқ.

«Мунаққид»нинг метўдолўғияга оид тушунчаларидан қўл тортиб, энди унинг хаёл тўғрисидаги «доншмандли»гига ўтамиз. Усмонхон хаёл устида қўб гап сотқон. Локин маъно оз. Хаёлни «тузуккина» тушунган Усмонхон: ««Айн» Чўлпонни хаёлпараст деганда, Чўлпон реалист эмас, балки символист, маънавийон демакчи бўлади», дейди.

«Айн»нинг бу хусусда сўзларидан шу маънони англаш учун, ал-

батта Усмонхон бўлиш керак. Масалан, «Айн»нинг «Чўлпон хаёлпарастдир. Чунки миллатчилар, зиёлилар ва шу мафқуранинг қабул қилғонлар учун хаёлдан ширин, хаёлдан нозик нарса йўқ. Шунга ўхшаш Чўлпон ҳам минг қават кўкларда юради» жумласидан символистик маъносини чиқариб бўладими? Умуман, Чўлпонни символистик шоир дейиш тўғри бўлмаса керак. Символистик шоирлар бу моддий борлиқ билан «иккинчи сирли дунё» орасига кўприк қурмоққа ва «гўзал идеялар дунёсини» рамзлар орқали «ҳис этмакка» чолишадилар. Символистикларнинг интилишлари, ўзларича, фалсафийдир. Аммо Чўлпонда фалсафа севгисидан кўра, миллатчилик ва бойлар мафқурасини тараннум этиш кўбдир. Фақат дардларини очик айта олмай, туманли ва рамзлар билан сўйлайди. Юқоридаги «Айн»нинг сўзларидан табиий, мақоламда чиқорилгон натижа кутилади, яъни хаёлпарастликни ёлғиз миллатчиликка боғлаб қўйиш тўғри эмас. Албатта, йўқсуллар диктатураси даврида миллатчи бўлишликнинг хаёлпарастликка таъсири зўр бўлғони каби узвий тузилиш ва бошқаларнинг ҳам таъсири бўлади.

Усмонхоннинг яна бир оз «оригиналний» шахсияти — тухматчилиги бор. Хаёлниң аҳамияти хусусида Лениннинг бир фикрини келтирган китобнинг исмини ва қайси саҳифада эканини кўрсатган эдим. Локин «мунаққид» мени кўрсатмаганликда айблайди.

Ҳар кимнинг ҳам янглишиши мумкин. Айниқса, мен каби ёш. «Чўлпоннинг мафқураси эмас, балки яратган бадиий намуналари ўқилади, воз кечилмайди» дейиши зўр хато. Ҳақиқатан, алабий асарларда шакл билан мазмун айри-айри моҳият ташкил қилмасдан, балки бир единство ташкил қилар экан, бу тўғрида Усмонхоннинг «Ўлма, илмий метўд!» дейиши жуда тўғри. Шакл ва мазмун устида Усмонхоннинг фикрлари бир ҳақиқатдир.

Чўлпоннинг мафқураси ва шахсиятпарастлиги ҳақида Усмонхоннинг айтканлари тўғри. Албатта, шоир ҳам сиёсий ва ижтимоий ҳодисаларга ақл кўзи билан қараши керак. Лекин Усмонхон шеърда ҳам ақллилик, ақлнинг ҳўжайин бўлишини истайдурғонга ўхшайдир-ким, «Шахсий томонидан қарағонда ҳам ақл кўзи билан қарамайди. Балки кўбрак юрак (туйғу) кўзи билан қарайди. Ҳозир Ойбекнинг кўзлари олайиб-олайиб кеткандирлар. Чунки, Ойбекча, «шоир маътиқнинг қатъий чизигидан чиқа олмайдурғон мутафаннинг эмас» ва «реалний фактлар тизмаси шеър ҳисобланмай» деб менинг шу икки жумламни ҳам тиркаб қўяди.

Санъатда ҳис буюк рол ўйнайди. Шоир турмушни ақл билан эмас, балки ҳис билан идрок этади. Марксист адабиётчи Трахтенбург «Адабиётчининг назарияси ва амалиёти» деган китобдаги мақола-сида адабиётни шу хилда таъриф қилади: «Адабиёт ҳаётни махсус (ҳиссий тасвири, масалан фан каби ақлий эмас) идрок қилиш метўдидир». Қавс ичидаги жумла адабиёт билан фан орасидаги фарқни очик кўрсатади. Бухарин ҳам «Тарихий материализм назария»сининг 209нчи саҳифасида «Санъат ҳисларни тасвирларда манзумалаш (систематизация)» дейдир. Усмонхон эса «шоир мантиқнинг қитъий чизигидан чиқа олмайдурғон мутафаннин эмас ва реалний фактлар тизмаси шеър ҳисобланмас» деган фикрларимни келтириб, «Шу марксизм бўлса, калламни кесиб юборинг», дейди. Қоникарлик қарши фикрдан сўнг деса майли-я, қуруқ дўқ!

Шоирға фан керак эмас, шоир мутафаннин бўлмасин ёки реалний фактлардан узоқлашган нарсага шеър деб айтамыз, деган маъноларга ҳалиги икки жумлам эга эмас. Ҳаётни тўғри ва кенг идрок этиш учун шоирға фан зарур. Реалний фактлардан узоқлашғон шеър ҳам шеър эмас ва фактларнинг қуруқ тизмаси шеър бўла олмас. Шоир реалний фактларни ҳис ва яратувчи хаёл ёрдами билан шундай қовуштирсинки, ўқур экан, кўз олдимизда ҳаётнинг гўзал манзаралари жилвалансин. Реалистча шеър бу. Мен шундай шеър тарафдори.

...Умид ва ҳаёт ҳиди билан тўлғон кўркем шеърлар, кўпинча, соғлом синфнинг шоиридан чиқади. Синф сукутга учар экан, шоирлар ҳам «илҳом парисини» йўқликлардан кутишка, сезгиларга берилишга бошлайдилар.

Чўлпоннинг «Мен шоирми?» шеърини Усмонхон келтириб, бир қанча сўз сотиб «шоирлик менда бир соями дейман, фикрига жуда қўшилғимиз келади», дейди. Шуми марксистча таҳлил? Йўқ. Чўлпон — шоир. Фақат тарих саҳнасига буюк амаллар билан чиққан йўқсул, меҳнаткашларнинг шоири эмас. Чўлпон суялғон синфий негиз ижтимоий инқилоб куёши қаршисида баҳор қорлари каби эриб кетаётқони учун Чўлпон «бир гўзал ҳолатни кўриб, англаиш қўлимдан келмай, борлиғим йўқликқа гилдираб кетар», деди.

*Ойбек*

## ЧЎЛПОННИНГ СОЗИ

(“Соз” шеърлар тўплами, Ўзнашр, тиражи 5000, 1935 йил)

Сўз Чўлпоннинг биринчи совет ижодпарварлигимизга онгли равишда қойил қолмаслиги устида боради. Чўлпон илгари сотсиализмга қарши энг аблаҳ, разил куйларни куйлаб келган ёзувчи. У, сотсиализм қурилишининг гигант ғалабалари таъсири билан унга туғдирилган олижаноб шароитлар ичида виждонан қайта қурулиб ишлаши мумкин эди.

Ўтмиши қоралардан ўз хатоларини актив иш, кураш просестида йўқотаётганлар кўпдир. Бизнинг малакатимиздагина бўлган ҳақиқий одиллик, кишиларга ғамхўрликни тушуниш, англаш ва шу одилликни ҳурматлаш, қадрига етиш керак.

Чўлпонда ҳам биз юқоридагиларни кутган эдик. Хўш, Чўлпон биз кутанларимизни қанчалик бажарди? Бу саволга унинг ижодини текшириш билан жавоб бериш тўғри бўлади.

Сўзни Чўлпоннинг сўнги чиқишидан бошласак. Чўлпон совет ёзувчилари союзининг яқинда бўлиб ўтган бир йиғилишида “Мени уч кунда тарбия қилиб оломайсиз”, деб “ўпка” қилди. Бу оддий ўпка эмас!

Бир ёзувчининг қайта қурулиши учун “тарбия” кифоя қилмайди. Балки, ёзувчининг сотсиалистик жамият қурулишида актив иштирок этишигина бу масалани ҳал қилади. Шу ҳолда: “мени уч кунда тарбия қилиб ололмайсиз” деб ўтириш бориб турган бемаънилик ва қайта қурулишнинг моҳиятини яхши тушуниб етмасликнинг натижасидир.

Чўлпонда сотсиализм қурулишига бўлган хайрихоҳлик иш, кураш асосида тўлқунланиб ўсуш ва актив иштирокчи, курашчиликка айланиб бориши лозим эди. Лекин унинг “Соз” тўпламида биз сотсиалистик жамият қурулишига фаол иштирокнинг йўқлигини, қ«Айн»оқликнинг, самимиятнинг жуда ҳам бўштоблиги кўраётимиз. Асардаги “Яна олдим созимни” шеърида дейди:

*Бир неча йил қантарғоч,*

*Яна олдим созимни.*

*Энди айтиб йиғламас,*

*Кўнглидаги розимни.*

Кўринишидан “дуруст”га ўхшаган бу мисралар, ҳақиқатда “пўла” мисралардир. Чунки Чўлпон эски қаламини яна қўлга олди. Фақат уни қантарган экан. “Қантариш”нинг ўзи қаламнинг эскилигидан далолат қилади. Бироқ бу қалам “кўнгилдаги розларни айтиб йиғлайди”. У “роз” қандай “роз” эди? Нега бу роз конкрет ифодасини топмаган. Бу ерда бир яланғоч, “беозор” тушунчанигина кўрамыз. Бу “узракшлик” поэзиямизга ёт бир нарсаси. Негаки поэзиямиз воқеликни ҳалол акс эттириши, конкрет фикрларни ифодалаши лозимдир. Шеър шу ҳолда “узракшлик” руҳи билан боради. Ҳолбуки, Чўлпондай одамга эски захарли “роз”ларини сотсиализм нуқтаи назаридан қаттиқ пачақлаш зарур эди. Бунинг ўрнига охирида Чўлпоннинг “дардлари” кўриниб қолади:

*Қурулиш дostonлари,  
Пардалардан оқажак,  
Эҳ кўнгил, янги дардлар  
Тагин сени ёқажак.*

Бу ҳол ҳавойи гаплар йиғиндисидир. Қандай қурулиш? Яна умуманчилик. Бу шеърнинг туманли юзи “Эҳ кўнгил, янги дардлар, тагин сени ёқажак” мисраларида кўрунади. Чўлпоннинг кўнгил илгарилари “кишан кийган, ёқилган” эди. “Янги даврлар” яна Чўлпоннинг кўнгилни ёқади. Яъни “тагин ёқажак”. Бу ердаги “тагин” сўзи ҳар ҳолда ўйланмасдан қўйилмагандир. Эски дардлар ўрнига янги дардлар тагин ўша вайрон бўлган кўнгилларни ёқади. Бу энди Чўлпоннинг самимиятини, хайрихоҳлигини кўрсатмайди. Баъзи бирлар эътироф қиларлар. Лекин сотсиализмнинг ғалабаси “дард” эмас. Бу кўнгилларни ёқмайди.

Шеърда сотсиализм ғоялари очиқ-равшан, асарнинг бутун тузилиши бўйича оқиб бориши лозим.

Чўлпон ижодда инқилобий кўтаринкилик чин ифодасини топмаган. “Нил қизи”нинг икки қўшуғи ҳам буни таъкидлайди. Биринчи қўшуғи анча дадил берилган (иккинчи қўшуққа нисбатан холос!). Бу аҳволот иккинчи қўшиқда ўзининг камолотини топиши керак эди. Аммо бундай бўлиб чиқмаган:

*Нилнинг баракаси,  
Дунёга татир.*

*“Фаллоҳ”нинг бахтини,*

*Кимлар уйғотир?*

*(Биринчи қўшиқдан).*

Бунга жавоб бериш лозим. Биз нарсаларни оддий кўнгилхуши учун ўрганмаймиз. Балки нарсаларни ҳодисаларни ўзгартириш учун ўргана-миз. “Нил қизи”нинг оғир шароитин ўрганамиз. Биз бундан қандай қутулиш учун бўлаётган кураш йўлларини ҳам белгилашимиз зарур.

Курашни кўрсатмасдан, уни ҳақиқий босқичга чиқармасдан ту-риб, самимий асар дунёга келмайди. Тескарисига Чўлпоннинг умид-сиз “Нил қизи”га ўхшаган “дидагирён” асарлари вужудга келади.

*Меҳнатимга роҳат кўриб яйрайин дердим,*

*Хурмазорлар орсинда сайрайин дердим.*

*(Иккинчи қўшиқдан).*

Роҳат, озодлик осмондан тушмайди. Бу текинхўрларга қарши миллионларнинг ўз авангарди раҳбарлигида курашлари натижасида қўлга киритилади. Лекин бахт, Чўлпон айтгандай, кўкнори хаёлла-ри асосида ҳеч мавжуд бўлмайди.

*Фақат дунё йўқсулларга жуда тор экан.*

*Золим фалак йўқсулларга кўп уйнар экан.*

*Ёш умримни меҳнат билан нобуд қилдилар,*

*Ўлмай туриб кенг дунёни тобут қилдилар.*

*(Иккинчи қўшиқдан).*

Бу қўшиқлар ҳеч шубҳасиз пессимистик назарияларни илгари сурадилар. Дунё нима учун йўқсулларга тор бўлди? Ким тор қилди? Бу сўроқларга нега жавоб йўқ? Фақат умидсизлик булоқларининг оғзи очилиб кетган ва ундан “Ўлмай туриб кенг дунёни тобут қил-дилар” каби мисралар қайнаб чиққан. Мисрада эксплоататорлар, те-кинхўрлар ва буларга қарши ғазаб курашнинг қандай эканлигин Чўлпон билса керак. Агар билмай шу темани олган экан, билишга мажбур эди. Миср меҳнаткашларининг Чўлпон айтгандай осонлик билан тобутга солиб юбориш мумкин эмас. Улар сўзсиз кураш, ин-қилоб натижасида охири ўз ҳуқуқларин қўлга олдилар. Озод сотсиа-листтик ватанда туриб, Миср меҳнаткашларининг тақдирига бунча-

лик пессимизм кўзи билан қарашга қандай баҳо бериш керак? Ни-  
мага уларнинг курашчиларини, инқилобий ҳаракатларини ва шу ҳа-  
ракатларнинг натижасида охир бир кун эксплуатациясининг барбод  
бўлишини ифода қилмаймиз?

Чўлпонда сотсиализм нуқтаи назаридан дунёга қараш сира-сира  
етилмаган. “Янги мен” шеърдан:

*Менда энди қайғилар йўқ,  
Мен баҳорлар каби шанман.  
Кўчаларнинг ўлумига,  
Қаҳқаҳлар солган манман!*

Кўрунишда дағал мисралар! Лекин душманнинг ўлумига “қаҳқа-  
ҳа” билан қарашга ўргатиш зарарлидир, чунки бу ўлумнинг сўнгида  
ҳам бир қанча вақт унинг сассиқ ҳидлари буруқсаб туради. Бунга  
зийрак бўлуш керак. Бунга “қаҳқаҳа” отиш ўрнига, уни узил-кесил  
йўқотишга бутун куч, қувват, иродани сафарбар қилиш даркор.  
Чўлпон асарларида юзакичилик ҳукумрондир. Бу нарса турмушни,  
курашни астойдил ўрганишликдан келади. “Чиммат қўшуғи” да ҳам  
бу ҳол кўрунади:

*Чиммат теккан кўзларим сўлуб боради,  
Кўнгулдаги умидларим ўлуб боради.*

Асарнинг боши шундай “хафақонлик” билан, умидсизлик билан  
келади. Фақат сўнги икки мисрада:

*Чимматимни ирғитай, ушла хушторим,  
Паранжини қўшиб ташла озод сен ёрим...*

деган гаплар билан хотин-қизларнинг озодлик масалалари ҳал бўла-  
ди. Бу нарса хотин-қизлар озодлиги учун қилган ва қилаётган ўткир  
курашларимизнинг суюқлаштиришдан бошқа нарса эмас. Негаки, бу  
шеърда аёлларнинг озодлиги учун бўлган кескин кураш конкрет  
ифодасини топмаган.

1934 йилда Масков олий мактабини битирган 60 та йигитимизга  
бағишланган шеърда ҳам кишини ишонтирмай турган, ҳозирги замо-  
нимизни кўнгулдан фаҳм этмаганлик белгилари чизилиб борадир:



*Сиз ўқуб чиққансиз,  
Яратмоқ учун.  
Дунёни биз томон  
Қаратмоқ учун.  
Бирингиз билакни  
Маҳкам шимариб,  
Ёруғлик сочингиз  
Зулматни ёриб.*

Дунёни қайта қураётормиз. Коммунизм жамияти сари қадам қўйганмиз. Шу ҳолда “дунёни биз томон қаратинг” ўғитлари шоирнинг қолоқлигини кўрсатади. “Ёруғлик сочингиз, зулматни ёриб” байтлари ўлгудек қуруқ сўз йиғиндиларидан иборатдир.

“Соз” тўпламидаги бошқа шеърларда ҳам бундай камчилик, нуқсонларни галалаб учратиш мумкин. Агар Чўлпон сотсиализм мамлакатларида одамларга бўлган муҳаббат, ғамхўрликни, ҳақиқатни тушуниб етса, виждонан қабул этса буни ўзининг ижодидаги ҳақиқий бурулиш билан исбот этиш керак.

Чўлпоннинг бадиий манерасида ҳам “қантарилган” эскиликларнинг изини кўриш мумкин. У ҳали ҳам шошиб оққан сувларни “жинни”, “чопармиш телба, мажнундек” каби ўхшатишларда беради.

*Кўча-кўйда кўрунган юз ўгуради,  
Икков ҳам “ваҳшилар”нинг кучига хуштор,  
“Ваҳшилар”га бу севгидан инма фойда бор?  
(“Бир лавҳа” шеърдан).*

Текинхўрлар Хитой меҳнаткашларининг кучидан фойдаланадилар. Йиртқичларча таловчилик натижасида гадойлик, қуллик авж олган. Бунда капитализм учун манфаат катта. Шу ҳолда уларни қаттиқ жабрлаш, эксплуататсия қилишни “уларнинг кучига хуштор”, “текинхўрлар уларга севги боғлаганлар” қилиб кўрсатиш нима учун даркор? “Хуштор”, “севги” сўзлари бу ўринда фақат ғазаб, нафратни юмшатади холос! “Куз” шеърда:

*Майли,  
Ҳар дарахтга тирмашсин изғирин!  
Шохларга илондай чирмашсин изғирин!*

*Майлига,  
Қиш азар,  
Ёлмаса номасин!  
Биз қишдан  
Ёзларнинг ризқини оламиз!  
Қишни ҳам,  
Ёзни ҳам  
Режага соламиз.*

дейилган. Бунда қишга эски муносабат кўрунади. Бу эски адабиётдаги эски мисрадир. “Қишдан ёзларнинг ризқини олар” эканмиз нега, қиш “бетаъсир, ёқимсиз” қилиб тасвирланади.

Чўлпоннинг бу ўринда ҳам эски муносабатлардан қутула олмаганини киши яққол кўрса бўлади. Турмушимизнинг ҳислатларини конкрет ифодаларда, бадий юксакликда бера билган дунёни тушуниш, уни акс эттиришда, жуда-жуда илгари кетган талантли ёзувчиларимиздан Чўлпоннинг ўрганиши зарур.

Чўлпонда тил ҳам қайнамайди. Қайноқ турмушдан узулиб қолиш бунга олиб келган “фуқаро”га ўхшаган умумий “бетараф” терминлар кўрунади. Ҳатто айрим сўзларни атайлаб бўлса керак, ноўрин ишлатиш орқасида ўткур курашларга сув пуркмакчи бўлади:

*Бизнинг сафимизни оралаб баъзан,  
Душманнинг заҳарлик фикри кирсада,  
Биз сергак одамлар ва қаршимизда,  
Сақланиб қололмас ҳеч қандай парда.  
(“Соз” 39 нчи саҳифа).*

Тилнинг реал тушунча эканлигини доҳий Маркс аллақачонлар айтган эди. Бадий асарда тил орқали фикр ифодаланади.

Буни Чўлпонга ўргатиш ҳожат бўлмаса керак.

Юқоридаги бандда “бизнинг сафимизни оралаб баъзан” деган мисра бор. Бу “баъзан” ўткур курашни, душманнинг ҳар минут сайин қаршилик кўрсатиб келаётганини яширади, чунки “баъзан” сўзи энг ёмон касал бўлган хотиржамликни тўғдиради. Сўнган мисраларда “биз сергак одамлар” дейилади ва бунинг қаршисида, яъни сергаклар олдиларидаги “пардани” кўрадилар. Кўлунч бир нарса!

“Сергак” киши сергак бўлмаган одамнинг ҳам кўруши мумкин бўлган “парда”ларнигина эмас, балки турмушда учраган, учраётган ҳар қандай майда, лекин зарарли ҳаракат, фикрларни таниб олиши керак.

Чўлпон бу асарда Ҳенрих Ҳейне, Вей-Ин-У каби ёзувчилардан таржималар берган. Лекин булар ҳақида изоҳ берилмаган. Бу ҳам асарга доғ бўлуб тушган. Нима учун масалан Ҳ.Ҳейне ҳақида бирикки оғиз изоҳот бериш мумкин эмас эди. Бу орқали ўқувчиларни буларнинг ижодидаги “қайғилар” маъноси билан жуда равшан таништирилган бўлунмасми эди?

Чўлпон “Соз”идаги шеърлар умуманчилик асосида ёзулгандир. “Мен ундан, мен бундай” каби сўзлар билан чегараланиб, конкрет турмуш, кураш ўзларининг ҳақиқий ифодаларини Чўлпоннинг созида топмай қолганлар. Бу асарларда сотсиалистик муносабатлар, характерлар кўрунмайди. Ҳолбуки, буларни бадиий ифодалаш, совет поэзиясининг фазилатларидир.

Тўпلامда юқоридагиларга қараганда бир мунча дуруст шеърлар ҳам йўқ эмас. “Бизнинг ватан”, “Бу куннинг қонуни” каби шеърларда айтганидай “шоир ҳам миллионларнинг биттаси” бўлиб иш кўрса, бу Чўлпондан умид этганларимизнинг амалий хулосаси бўлиб чиқар эди. Фақат булар қуруқ сўз бўлиб қолишдан узоқлашишлари керак. Бунинг учун эса “мени уч кунда тарбия қилиб ололмайсиз” деб, зарарли инжиқчасига дўқ урмай, турмушдан, курашдан четда қолмайлик. Коммунизм жамияти қурулишида актив иштирок, виждонан ишлаш лозим.

*Юнус Латиф*

## «КЕЧА ВА КУНДУЗ» ҲАҚИДА

(Автор: Чўлпон. Редактор. М. Ҳасан. Ўздавнашр. 1936 йил.)

Чўлпон — Октябрдан илгари буржуа-жадид ёзувчи сифатида майдонга чиққан киши. Октябрдан кейин очикдан-очик болвешикларга ва совет ҳокимиятига қарши актив курашиб, ўз ижодида аксилинқ-илобий миллатчилар ғоясини ўтказиб келди. Чўлпон ўзбек миллатчиларнинг балоғатга етган, мақталган санъаткори бўлиб, миллатчилар у билан фахрланар эдилар. Чўлпон кўп йилларгача ва ҳозир ҳам шу ифлос ботқоқлик ичида қолди. «Созим», «Жўр» (босилмаган) деган шеър тўпламлари билан «Кеча ва кундуз» романи бунга мисол бўла олади.

«Кеча ва кундуз» романини биринчи бўлими («Кеча» қисми) 1936 йилда босилиб чиқди.

Чўлпон романнинг «Кеча» қисмида мингбошиларда, чор ҳукуматининг маҳаллий амалдорларида бўлган айрим камчиликларни—кўполлик каби ёмон сифатларни жадидчилик нуқтаи назаридан танқид қилади. Мирёқуб, Акбархон мингбошиларни умуман одампарвар кишилар равишда тасвирлайди, (масалан Қум Ориқдаги жанжалда мингбоши камбағаллар «тарафини олади»), лекин уларнинг ахлоқсизликлари эса жадид бўлмаганларидан келиб чиққан нарса, агар жадид бўлсалар эди, ахлоқсиз бўлмас эдилар деган хулосани чиқаради.

Мирёқуб жадид бўлганидан кейин дарҳол маданиятли бир киши ва фазилағ эгаси бўлиб кетади. Одамларга «ғамхўрлик» қилади. Масалан, бир фоҳишани ботқоқликдан кутқариб, ўзига хотинликка олади. Асарда бойлар ва амалдорларнинг меҳнаткаш халққа қилган беҳад зулм-ситамлари-ю ваҳшиёна эксплоататсия тўғрисида бир оғиз ҳам гап йўқ.

Асарда ўтмиш жамиятдаги синфий қарама-қаршилиқлар, синфий кураш онгли равишда туманли қилиб, пардаланади. Меҳнаткаш халқнинг ўз ёзувчиларига; бойлар, мингбошилар, савдогарлар, колонизаторларга қарши инқилобий кўзғолонлари ҳақида индамай ўтулади. Ёзувчи эзилган синф ичидан ижобий қаҳрамон топишни ҳам ўзига эп кўрмаган.

Чўлпон ўтмишдаги синфий курашни кўрсатишни парнография билан алмаштиради. Шу билан совет ёшларини, ўсиб борувчи бўғинни чирик назария билан заҳарламоқчи, бузмоқчи бўлади.

Чўлпон фахшликни тасвирлаганда унинг социал-иқтисодий негизини очиб беришни истамайди. Асар одамни кишилиқдан чиқарувчи, фахшни туғдирувчи капитализм қонунларига, эски турмушга қарши кишида нафрат туйғусини кўзғатмайди. Аксинча, эски давр дуруст эди, фақат айрим кундошларгина — Хадича, Пошшахон, Салтанатхонлар ва фоҳишахоналардаги хотинларнинг ўзлари ярамас, улар фақат жинсий ором олиш учун яшайдилар деган натижа чиқади.

Романда Туркистонни мустамлакага айлантирган чор ҳукуматининг, колонизаторларнинг ваҳшиёна ҳаракатлари, ерли меҳнатқаш халқни эзишлари била туриб пардаланган ва колонизаторлар яхши кишилар сифатида кўрсатиган. Чор ҳукуматининг вакили сифатида берилган каби тўрани Чўлпон жуда мулойим, одампарвар, ўзбекларга яхши муомала қилувчи, катта инқилобий кайфиятга эга бўлган киши равишда кўрсатади (Ўз ошпази Зунунга яхши муносабатини ва уни мингбоши қилиб тайинлаганини эсланг).

Ёзувчи «Кеча» орқали жадидларнинг мафкурасини тарқатади, уларга муҳаббат билан қарайди. Жадидларни «яхши» деб, замонасининг илғор кишилари, деб тасвирлайди. Чўлпон уларни ҳам ташқи кўриниш тарафидан, ҳам ички сезги жиҳатидан бошқаларга қараганда анча юқорида турган маданиятли, ақлли, фазилатли, ўрناق бўларлик кишилар деб тасвирлайди; уларни худди халқ учун, халқ манфаати учун ўзбек миллати учун курашувчи сифатида тақдим этади. Бунга мисол қилиб жадидлашган мингбоши Абдусамадни ва Оврўпа мамлакатлари билан савдо қилувчи ёш жадид персонажларини кўрсатиш мумкин.

Чўлпон жадидларни тасвирлаганда ниқобланади, жадидларга тўғридан-тўғри ўз тили билан характеристика бермасдан бу вазифани асардан кишиларга юклайди. Чўлпоннинг қаҳрамонлари жадидларни мақтаб, кўкларга кўтаради.

Мирёкуб Финландияга савдо учун борувчи жадидни тубандагича характерлайди: «Мана мен энди «жадидни» кўриб ўтирибман. Эртакеч гапга кулоқ соламан; кулоғимни унинг оғзидан узиб олмайман... бир ёмон жойини кўрганим йўқ. Гаплари ҳаммаси маъқул. Бировларнинг мол-мулкига чанг солатурғонга ўхшамайди» (204 бет).

Чўлпон шу таъриф билан чегараланмайди. Фоҳишахонадан олиб қочилган Мария (Марям) ҳам жадидларга хайрихоҳ. Мария онгсиз, маданиятсиз кишиларни жадидлар қандай қилиб «тарбиялаганига қойил» қолади.

«Жакоб (Мирёкуб) эртадан кечгача ўша билан (жадид билан демокчи) гаплашади. Мен ҳеч нарса англамайман, ўз тилларида газеталар ўқушади. Йигит русча газеталар ўқуб тушунтиради. Бир томондан олганда бу яхши; Жакобнинг фикри очилади. Одам бўлади. Маданиятлашади» (200 бет).

Жадидлар худди халқ манфаати учун, Туркистоннинг миллий озодлиги учун курашувчи қаҳрамонлар, халқнинг кўзини очувчи кишилар сифатида берилган.

«Жадиднинг сўзлари мени кўзгатиб қўйди; унинг сўзларини мен ҳам бошқаларга худди ўшанинг ўзидай чиройлик ва таъсирли қилиб-гапирсам дейман одамларнинг кўзини очсам дейман...» (210 бет).

Романда тарихий фактлар қастдан, билатуриб бузулиб кўрсатилган. Шахсий бойишлари йўлида курашган, шу мақсадлари йўлида ҳар қандай ифлосликдан тортинмаган халқ душманлари ва ватан хоинлари-жадидларни халқнинг ҳақиқий ўғиллари сифатида тасвирлаш тарихни қалбакилаштиришга урунишдан бошқа нарса эмас. Чўлпон жадидларни халқ учун жон куйдирувчи, инқилобий кайфиятга эга бўлган кишилар деб тасвирлайди, (Финландияга кетаётган жадиднинг сўзларини эсланг). Ҳолбуки, жадидларнинг рус бойлари, рус чиновниклари, чоризм билан бирга бўлиб, улар билан муроса қилганликлари, чоризм ва маҳаллий эксплуататарларга қарши кўзғолон кўтарган меҳнаткашларни дорга осиш, сургун қилишда чор ҳукуматига очикдан-очик ёрдам берганлари тузумга қарши кураш ўрнига ўз мақсадларини амага ошириш учун подшоҳ ҳукуматининг мавжудлигини боп бир шароит деб англайдилар ва генералларнинг, чиновникларнинг малайлари бўлган эдилар.

Жадидлар жаҳон урушида чоризм билан бирлашиб, дўстлашиб кетдилар. Оқ подшоҳга жаҳон урушида ғалаба қозонишни тилаган эдилар. 1916 йилда меҳнаткаш халқ кўзғолонни босдиришда асосий ролни ўйнаган, оқ подшоҳга мадҳиялар айтган қора кучлар ҳам жадидлар эди. Уларнинг синфий башарасини бўяб халқ учун жон куйдириши, инқилобий кайфиятдаги кишилар равишда бериш тарихий фактни била туриб бўяшдан бошқа нарса эмас.

«Кеча ва кундуз»да хотин-қизлар жуда лавашанг, бўш, кўнгилчанг, тез йиғлайтурғон, жинсий завққа интилатурғон қилиб кўрсатилади. (Масалан, Зеби, Султонхон, Пошшоҳон, Энахон). Чўлпон хотин-қизлардан кулади, уларни масхара қилади; зулмга, хорлаш,

эзилишга қарши кучли нафрат билан чиққан меҳнаткаш, ботир, курашчан хотин-қиз образини кўрсатмайди.

Чўлпон «Кеча»да камабағал аравакаш Ўлмасжон образига жуда паст назар билан қарайди. Зеби мингбошига теккандан кейин Ўлмасжон жим бўлиб кетади. Унинг қалби ўти сўнган ўчоқдай совуб кетади. Бунинг билан ёзувчи меҳнаткашларни масхара қилиб, уларда севги йўқ, улар одамгарчиликдан чиққан деб тасвирлайди.

«Кеча ва кундуз» романининг «Кеча» қисми ўтмишни бир томонлама олиб, уни ҳам бўяган; савдогарлар, мингбошилар ўртасидаги маданиятсизлик, ахлоқсизларни жадидчилик нуқтаи назаридан танқид қилиб, хусусий мулкнинг ҳукмронлиги, эксплуатациянинг ҳалдан ташқари эканлигини жўртаган кўрсатмайди. Ўсувчи ёш бўғинга зарарли, ёшларимизни заҳарловчи парнография асарда асосий ўрин олган. Асарда ҳақиқат ва бахт-саодат учун, озодлик-эркинлик учун курашувчи халқ қаҳрамони йўқ.

Чўлпон ўз асарида халқ душманлари — жадидлар, аксил инқилобчи миллатчиларнинг қарашларини талқин этиб, миллатчилик идеяларини ниқоблайди ва уни тарғиб қилади.

Шуниси қизиқки, Ўзнашр томонидан нашр қилинган «Кеча» ҳеч қандай бош сўзсиз чиққан. Ҳолбуки асарни кўриб берган ўртоқ М.Ҳасан «Кеча»нинг туб ғояларини очиб бературғон сўз боши ёзмоғи, албатта лозим эди.

Чўлпон ва унинг фикрдошлари ўзбек халқининг ўмишдаги инқилобий кураш тарихини била туриб бўяб кўрсатиш, меҳнаткашларни масхаралаш, жадидларни мақташ орқали аксилинқилобий миллатчиликни тарғиб этиш ва ҳар турли метўдлар билан совет адабиётига зарар бериш йўллари кўллаб келадилар. «Кеча ва кундуз» асари шу тарғиб усуллари билан бирдир.

*Ж.Шарифий,  
О.Шарафиддинов,  
Ф.Султонов*

## ЧЎЛПОННИНГ «СОЗ»И

(Чўлпон. «Соз». Шеърлар тўплами.

Масул муҳаррири — М.Ҳасан. 1935 йил, тиражи — 5000)

Чўлпоннинг ижодий йўли жуда мураккаб, чигал ва қинғир-қий-шиқдир. Чўлпоннинг ижодиёти сотсиалистик Октябрь инқилобидан илгари миллий буржуазия мафкурасини, унинг феврал инқилоби кунларидаги разолатини ва Октябрдан кейин аксилинқилобий ин-тилишларини ифода қилди.

Инқилобдан бурун Чўлпон катта аҳамиятга эга бўлган бир фигура бўлиб, жадиллар йўли билан борди. Миллий манфаатларни ҳимоя қилди.

Инқилобнинг дастлабки йилларида бадий жиҳатдан яхши иш-ланмаган сиёсий-декларатив шеърларида пролетариат диктатурасига душман эканини кўрсатди. НЭР ва тикланиш даврида буржуазия-нинг актив ижодий кучига айланди. Миллатчи-буржуазия ўрмонла-рида адашди. Ўзининг «жанговар» қуролини-поэзиясини ўсиб борай-тган сотсиализмга, пролетариат мафкурасига қарши йўналтирди. Ро-мантик равишда ўтмиш билан боғланди. Ўтмишни, босмачилик ҳа-ракатини идеаллаштирди. Уни катта муҳаббат, пафос ва рағбат билан чизди. Совет ҳокимиятининг мустаҳкамланаётганини чизган пайт-ларда чуқур пессимизмга тушди ва советларга қарши кучларга кўз тикди, йиғлади.

Песаларида ё ўтмишни идеаллаштирди, бўяди («Ёрқиной»), ё со-ветлар ҳокимиятини устига йўқ тухматларни қўйди («Муштумзўр»). Бу ўтмишнинг реакцион романтикаси ва пролетар диктатураси сис-темасини қоралаш ҳам ўта миллатчилик билан боғланган эди.

Очиқдан очиқ натсионализм, босмачилик ҳаракатини кўкка кўта-риб, унга мадад бериш, ўтмишнинг хаста романтикаси, инқилобий турмушни бузиб, айнитиб кўрсатиш, баъзан чуқур умидсизликка тушиш, ўзининг буржуа-индивидуалистик қобиғига бурканиш, Чўлпоннинг бадий практикасининг характерли хусусиятларидан эди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари коммунистик партиянинг раҳбарлиги остида миллатчиларга қаттиқ зарба бердилар, буржуазия гуруҳлари-ни тор-мор келтиридилар. Пролетар инқилоби бутун соҳаларда, сано-ат, қишлоқ хўжалиги ва маданий фронтда ғолибона равишда ўсди, юксалди. Тарқоқ яқка хўжалик колхозларга уюшди. Совет сотсиалис-



тик Ўзбекистоннинг хўжалик — сиёсий қуввати мустаҳкамланди. Чўлпоннинг ижоди илдиэларини суғориб турган манбалар қурий бошлади. Бу ютуқлар буржуа ёзувчиларининг бир қисмининг зеҳни- ятида бурулиш вужудга келтирди.

Чўлпон шу йўлда бутунлай қолмади. Узоққина ижодий «жим- житлик», сукунатидан кейин ўз позитсияда силжиш аломатларини кўрсата бошлади. Бу ҳол Чўлпоннинг онгига ҳам таъсир этди, унга янги идеал берди, янги турмуш йўлига ўтишга, унинг ҳозирги за- мон билан ва келажак учун яшашига асос ҳозирлади. Одамларни қайта тарбияловчи улуг сотсиализм шароити индивидуалистик қоби- гига ўралган, умидсизликка ботган шоирни ҳам тузата бошлади. Шоир сотсиалистик қайта қуруш ривожланган, коллективлаштириш қизи- ган, биринчи беш йиллик рақамлари партиянинг пўлат иродаси ва меҳнаткашларнинг шарафли меҳнати орқасида турмушга мужассам- ланган вақтда, ВКП (б) МҚ нинг 1932 нчи йил апрелидаги адабий ташкилотларни қайта тузиш тўғрисидаги тарихий қарори амалга оша бошлаган вақтда ижодий йўлини ўзгарта борди, ўзида янги ижодий кучнинг қайнаганини ҳис қила бошлади. Бунн шоирнинг ўзи равон ва содда тилда шундай ифода қилди:

*Бир неча йил қантаргач,  
Яна олдим созимни,  
Энди айтиб йиғламас,  
Кўнгилдаги розимни.*

Чўлпон янги турмуш сотсиалистик қурулиш билан бирга боража- гини билдирди. Эски ижодий йўлини, эски созини синдириб янги соз билан қуйлажагини сўзлади:

*Кўнгилдаги кудурат,  
Кўтарилди ниҳоят.  
Энди илҳом манбаи  
Қ«Айн»атёган шу ҳаёт.  
Қурулиш дostonлари  
Пардалардан оқажоқ.  
Эй, кўнгил, янги дардлар,  
Тагин сени ёқажоқ!*

*(«Яна олдим созимни», 1934).*

Шоир сотсиалистик қурулиш талабларига жавоб қайтаришга урунди. Қурулишмизнинг ҳар соҳасида улўф партиянинг қўли борлигини ҳис эта бошлади, янги идеялар ичига кира бошлайди.

Шоирда яратиш тилаги, қурулишмизга ҳаваси кучли; у коммунизмга бўлган рағбатини очиқ ифода қилди ва ўзининг қора, чиркин ўтмиши билан видолашганини кўрсатди:

*Миллионларнинг бири каби,  
Мен ҳам қувноқ, мен ҳам шанман.  
Кечмишларнинг ўлумига,  
Қаҳқаҳалар солган менман.  
(«Янги мен»).*

*Диёрим каттакон рўзғорда бир тансан,  
Қандай жой, нима иш, хўп яхши билгансан,  
Дунёда янгидан туғулиб келгансан.  
Ун йилда бошқотдан ясанди тарихинг!  
(«Диёрим»).*

Табиат кўрунишлари ҳам Чўлпон ижодиётида илгариги каби аллақандай умидсизлик тугдирувчи, шоирни қайғиртувчи, турмушдан нарозилик акс этувчи бир манба сифатида тасвирламайди, улар орқали шоир ўз индивидуалистик туйғуларини тўкиб, тор шахсий қобиғига ўралмайди, балки табиат завқи шоир миясидаги соғлом фикрлар билан бирлашади ва меҳнат завқини берувчи, ишга чақирувчи, оптимистик руҳ уйғотувчи бир лавҳа каби чизилади:

*Майли ҳар дарахтга тирмашсин, изғирин,  
Шохларга илондай чирмашсин изғирин.  
Майлига, қиш агар йўлласа номасин!  
Бошласа, бетаъсир, ёқимсиз нағмасин!  
Биз қишдан ёзларнинг ризқини оламиз!  
Қишни ҳам, ёзни ҳам режага соламиз.  
(«Куз»).*

Табиат бўёқлари билан соғлом кайфият, турмушга муҳаббат кўзға-тади, киши руҳини дадиллантиради, тетиклантиради.

Бироқ Чўлпон эски ижодий йўлидан чекилиб, ижодий практи-

жуда саёз тушунди ва боситлаштирди. Унинг мураккаб синфий пружи-  
жиналарини ва оламшумул аҳамиятини бадиий тусда ифодалаш да-  
ражасига кўтарилмади, бадиий идрок этолмади.

*Ёлғиз бир ҳаракат,  
Қимиллаш кўрилди,  
Чайладан чиқилиб,  
Ўрдага юрилди.*

.....  
*Кўзғолди бечора  
Яланғоч жамият  
Кўксида ёнарди,  
Лекин бир ҳамият!  
Ўлумга завқ ила,  
Судралган жамият!  
Ўлумдан ўзгани  
Кўрмаган ҳамият!  
Ҳамият ё ғазаб,  
Ё шиддат, бари бир!  
Ёлғиз у дунёнинг  
Фотиҳи, оламғир!*

«Яланғоч жамият кўксида ёнган, ўлумга завқ ила судрага ва «ўлум-  
дан ўзгани кўрмаган» абстаркт ҳамият, албатта, Октябр инқилоби-  
нинг мазмуни бўлмайдди ва бундай қараш сотсиалистик инқилоб-  
нинг чин моҳиятини сохталаш ёки уни тушунмаслик ва ҳаракатчи  
кучларни кўрмаслик бўлади.

Аруз вазнида ёзилган «Дарё бўйи» шеъри эски шеърият формаси-  
га эргашиш, унинг образларини кўчириш, воқеани натуралистик  
тасвирлашдан иборатдир. Турмуш ҳодисаларини, ёки янги одам эмо-  
сияларини кенг сифатида умумлаштирган чуқур маъноли поэзияга  
талаб кучайган пайтда, омманинг маданий савияси ва завқи ҳалдан  
ташқари ўсган пайтда, шубҳасиз, бундай шеърлар ўз қадрини йўқо-  
тади ва ҳеч нарсага арзима қолади.

«Бизнинг ватан», «Кўшук», «Олтмишларга» шеърларида фикрда  
янгилик, оригиналлик кам кўринади. Уларда ҳаммага маълум фикр  
такрорланади. Фикрий камбағаллик образларни ярқираган бўлишига  
монъелик қилди ва тасвирлаш воситаларидан кенг суратда фойдала-

нишга имконият бермади. Поэзияни оддий гапларга, буйруқларга айлантирди, бор нарсаларни қайд қилишга (рўйхатчиликка) олиб борди:

*Оқ олтинлар ривожланди,  
Кўп ишлаган кўп қозонди  
Меҳнат душманлари ёнди.  
Ҳорманг, энди колхозчилар!  
(«Кўшук»).*

\* \* \*

*Эй 60 баҳодир,  
60 азамат!  
Сизга чин кўнгишдан  
Олқиш ва ҳурмат!  
60 курашчи,  
Машина бошида  
Кутади ишчи!  
Эй, олтмиш курашчи  
60 билимдон!  
Талада кутади  
Колхозчи деҳқон.  
Эй, 60 билимдон  
60 инжениер!  
Улуғ ватанинга  
Билимингни бер!  
(«Олтмишларга»).*

«Олтмишларга» шеърдан олинган бу парча натурализмнинг бошқача бир кўринишидир. Шоир характернинг айрим ҳолатини, кечириمالарни натуралистик равишда тасвирлашга қийналгач, адабий парчанинг қашшоқ пучқоқ мазмунини ваъз ва насиҳатлар билан кўммакчи бўлди. Лекин одамни тарбиялаш ва дунёни бадий танитишдан маҳрум бўлган бундай қуруқ насиҳатлар шеър эмас, балки унга юклатилган нагрузка бўлиб чиқди.

Умуман «Соз» тўплами Чўлпонда ижодий қайта қурулиш протесси давом этаётганини кўрсатади. Чўлпон совет платформасига ўтаётган бўлса-да, ҳали сотсиалистик поэзиянинг асосий метўдини, сот-

сиалистик реализмни эгаллаб етмаган. Реал турмуш, сотсиалистик воқелик ичига кириб, унинг моҳиятини чуқур суратда бадиий ҳис қилган эмас.

Хўш бу ижодий камчиликларнинг илдизи қаерда? Нима учун Чўлпоннинг ҳозирги шеърларида «Бузулган ўлкага»даги зўр пафос қайнаб чиқмайди?

Бир вақтлар:

*Нега тагин танларингда камчиларнинг кулиши?*

*Нега сенинг турмушингда умидларнинг ўлиши?*

*Нега ёлғиз қон бўлмишдир улушинг?*

*Нега сенинг танларингда бўриларнинг қорни тўқ?*

*Нима учун қазабини уйғотмайди оғу — ўқ?*

деб кучанган Чўлпон нима сабабдан шу сусайиб кетди, ихтирослари бўшашди?

Бир вақтлар:

*Кўклам чоғи... Сайроқ булбул сайрамас.*

*На учунким, танбуримнинг тили йўқ,*

*Уғўзал қиз чин қараш-ла қарамас,*

*На учунким, умидимнинг йўли йўқ.*

деб миллатчи буржуазия мафкураси ва кайфиятини лирик ифода-ларда бера билган, унинг фикр-туйғуларини содда ва очиқ куйлаган шоир энди совет воқелигини куйлагач ижодиёти пастлашди, лирикаси хиралашди, соддалик, самимийлик камайди?

Ҳолбуки совет воқелиги турмуши, фикр ва ҳисларни тўлиқ, реал ва бадиий тўғри кўрсатиш учун энг мувофиқ шароит-ку? Бу савол-ларнинг жавобини шоирнинг дунёга қарашидан қидирмоқ керак. Чўлпон ижодий метўдидаги камчиликлар унинг дунёга қарашига боғлиқдир.

Дунёга қараш ёзувчининг ижодиётига, унинг турмушини қанчалик тўғри акс этишига, образлар системасига таъсир этади. Энгелс немис шоирлари ва ёзувчилари ижодиётига баҳо берганда: «Уларнинг ҳаммасида, прозада, ҳам поэзияда ҳикоячининг таланти етишмайдики, бу уларнинг дунёга қарашларининг аниқлашмаганига боғлиқдир», деди. Чўлпон дунёга қарашини аниқ бўлган пайтда,

буржуазия синфининг психоиделогиясини, кайфиятини ифода қилган пайтда кучли талантини кўрсатади... Бироқ шу талант буржуазия воқелиги ва идеясига нисбатан жуда юқори бўлган, турмушни ва одамларни кенг суратда тараққий этдиратурган совет воқелиги ва идеясини куйлашда анча пасайди. Бу пасайиш шоирда янгича, пролетарча дунёга қарашнинг аниқлашмаганига боғлиқдир. Юқори бадий асар яратмоқ учун сотсиалистик турмушда иштирок этиб, янгича дунёга қарашни ўзлаштирмоқ ва ишлаб чиқмоқ керақдир. Шоир дунёга қарашини китоблардан, лексиялардан олинган тайёр билимлар, деб тушуниш тўғри эмасдир. Чунки бадий ижодиёт маълум билимларни онгда ишлаб боратургон зехний протсес эмас, балки шоирнинг турмушига қарашини, практикасини спетсифик равишда (бадий образларда) бературган ва онг призмасидан ўтиб, эланиб, келатурган бир протсесдир. Миядаги абстракт тушунчалар, идеялар ўз-ўзидан образга айланмайди. Образ куруқ тушунчаларни хиссий формага айлантириш эмас. Бадий образ — ёзувчи мафкураси орқали воқеликни (турмуш, кечинма ва эмотсияларни) спетсифик равишда акс этиш ва таниш формасидир. Шу ҳолда шоирнинг дунёга қарашини унинг обектив олам устида бўлган мушоҳадалари, тажрибалари, амалий-практик ишлари билан боғланади. Турмушни чуқур билиш, воқеликни ҳапсала билан ўрганиш турмушни тўғри акс эттиришга, реалистик метўдга олиб боради ва дунёга қарашнинг пишиқланишига сабабчи бўлади. Демак, бадий ижодиётда реалистик метўд воқеликни тўғри акс эттириш учун асосий шароитгина бўлиб қолмайди, балки айни чоқда тўғри (пролетарча) дунёга қарашни ишлаб чиқишга, эгаллашга ҳам йўл очади. Сотсиалистик реализмда пролетар дунёга қарашининг принципиал, янги бадий мазмуни кўринади.

Коммунистча бўлмаган дунёга қараш таъсирлари бу салқитларни кўтариб ташлаёлмаган совет шоири учун уларни бартараф қилиш ижодий практикага, санъаткорнинг воқелик ичига обдан киришига, сотсиалистик қурулиш фактларини виждонан, самимий равишда ўрганиш ва уларни самимий, тўғри акс эттиришга боғлиқдир. Совет шоири Маркс-Ленин дунёга қарашини учун курашса, сотсиалистик қурулиш ҳодисаларини виждонан ўрганса, воқеликни реалистик акс эттирса, сотсиалистик қурулиш учун фойдали асар беради ва шу ишда ўзини қайта қуриб, қайта тарбиялаб, коммунистик дунёга қарашни эгаллай олади.

Чўлпон ҳам шундай қийинчиликларни ўтиш ва уларни енгиш босқичида турган бир шоирдир. У ўз спетсифик ижтимоий фаолияти (бадий ижодиёти) билан сотсиализм учун, актив курашиш орқасида ўз сотсиал-бадий моҳиятини ўзгартира олади ва бадий талантини тиклашга ва ижодиётини юқори поғоналарга кўтаришга муваффақ бўлади.

Аmmo «Соз» тўпламидаги Чўлпоннинг шеърларида сотсиалистик соддалик, бадий ҳақиқат ва ростгўйлик, поэзияни халққа етказиш, омманинг руҳини ташкил этиш моментлари ҳали кучсиздир. У ўз поэзиясидан замонамиз қаҳрамонлари образларининг янги характерларини равшан қилиб чизиб бергани йўқ. Унинг лирикасида одам характерининг айрим ҳолатлари, янги одамларнинг эмотсиялари, кечинмалари образи тўлиқ акс этгани йўқ.

Унинг поэтик практикасида айрим формалистик унсурлар ва натуралистик тасвирлар, сиёсий шиорларни оддийлаштириб бериш ҳодисалари кўрунади. Поэзиянинг меҳнаткашлар оммаси ўртасида ёйилишига тўсиқ бўлатурган, формани жўрттага чигаллаштиришга интилган формализмдан ихтиёт бўлиш керак: «Замонамизнинг буюк идеяларини курашимизнинг инқилобий истиқболини ифода қилмайтурган» (Кирпотин) натурализмга қарши курашиш керак.

Чўлпон ўз мавзулари билан сотсиализмга боғланди.

«Мавзу санъатда жуда муҳим моментлардан бири. Бироқ, мавзу поэзиянинг моҳиятини белгилаб бермайди. Ҳақиқий санъаткор фақат мавзуни эмас, балки унинг идеясини, мағзини, услубини бадий ифода қила билиши керакдир» (Кирпотин). Чўлпоннинг поэзияси бу жиҳатдан оқсайди.

Моддий ва маданий савиясини кўтарилган онги ўсиб кетган, талаблари ошган халқ оммасини ҳаяжонлантирувчи мавзу танлаш, сотсиалистик турмушни чуқур, тўғри, ростакам идрок этиш ва англаш, образларни кирстал равишда ярақлатиш, тилни бойитиш ва тозалаш, композитсияни силлиқлаштириш, поэзиянинг мураккаб-соддалиги ва халққа етиши учун кураш, сотсиалистик реализм учун кураш, шу йўл билан янги дунёга қарашни чуқур эгаллаш Чўлпон олдида турган муаммолардандир.

*Х. Ёқуб*

## ИЗОҲЛАР

1. «Уйғониш». Чўлпоннинг шу номдаги шеърлар тўпламига ёзилган ушбу тақриз «Туркистон» газетасининг 1923 йил 23 март кунги сонидан эълон қилинган. Мақолага имзо қўйилмаган.

2. «Ўзбек шоири Чўлпон шеърлари». Зариф Баширнинг «Уйғониш» муносабати билан ёзган бу мақоласи «Туркистон» газетасининг 1923 йил 4 май кунги сонидан босилиб чиққан.

3. «Чўлпон — Чўлпондир». Аҳмад Шукрий мақоласи. А. Шукрий 1922-25 йилларда Берлин дорилфунининг тарих-фалсафа шўбасида ўқиган туркистонликлардан бири, унинг бу лавҳаси ўша талабаларнинг Берлинда чиқиб турган «Кўмак» номли адабий-бадиий тўпламида (1923 йил 1-сон) эълон қилинган. Мақола Ш. Турдиев томонидан «Фан ва турмуш» журналининг 1989 йил 10-сонига қайта тайёрлаб берилган. Шу манбадан фойдаланилди.

4. «Чўлпоннинг «Булоқлар»и». Шоирнинг «Булоқлар» тўплами муносабати билан В.М. (Вадуд Маҳмуд) томонидан ёзилган бу тақриз-мақола «Туркистон» газетасининг 1923 йил 10 декабрь кунги сонидан эълон этилган.

5. «Ўзбек ёш шоирлари». Абдураҳмон Саъдийнинг бу мақоласи икки қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи — Фитрат ижодига бағишланган қисми «Туркистон» газетасининг 1923 йил 10 декабрь кунги сонидан босилиб чиққан эди. Чўлпон ижодига оид мазкур иккинчи қисми эса Самарқандда чиқадиган «Зарафшон» газетасининг 1924 йилги 120-122 сонларида (27 февраль, март) эълон қилинган.

6. «Чўлпон. «Тонг сирлари». Мазкур тўпламга Абдулла Қодирий томонидан сўзбоши тарзида тақдим қилинган мақола охирида «Жулқунбой (Абдулла Қодирий), Тошкент, 1925 йил 6 сентябрь» қайдлари бор. Мақола Ш. Турдиев томонидан «Фан ва турмуш» журналининг 1989 йил 10-сонига қайта тайёрлаб берилган эди. Ўша манбадан фойдаланилди.

7. «Ўзбек шоирлари. Чўлпон». «Айн» (Олим Шарафиддинов) томонидан ёзилган бу мақола «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1927 йил 14 февраль кунги сонидан эълон этилган. Шу асосда тайёрланди.

8. «Чўлпон. Шоирни қандай текшириш керак». Ойбекнинг «Айн» мақоласига жавоб тарзида ёзилган бу мақоласи «Қизил Ўзбекистон»



газетасининг 1927 йил 17 майида эълон этилган бўлиб, уни филология фанлари номзоди Б. Дўстқораев «Шарқ юлдузи» журналининг 1989 йил 6-сонида қайта нашрга тайёрлаб чоп эттирган. Шу манбадан фойдаланилди.

9. «Мунаққиднинг «мунаққиди». Ойбек билан баҳсга киришган Усмонхоннинг мазкур мақоласи «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1927 йил 22-23-27 июнь сонларида эълон қилинган. Шу манбадан таъдир қилиниб нашрга тайёрланди.

10. «Мунаққиднинг «мунаққиди» мақоласининг эгасига». Ойбек қаламига мансуб бу мақола Усмонхонга жавоб сифатида ёзилган. «Қизил Ўзбекистон»нинг 1927 йил 28 август кунги сонидида эълон этилган. Мақолани Б.Дўстқораев «Шарқ юлдузи» журналида (1989 йил 6-сон) қайта нашр қилдирган. Шу кейинги манба асосида қайта тайёрланди.

11. «Чўлпоннинг сози» номили мақола Юнус Латиф қаламига мансуб бўлиб, 1937 йил 28 апрел «Ёш ленинчи» газетасида босилиб чиққан. Шоирнинг 1935 йилда нашр этилган «Соз» тўплами муносабати билан ёзилган бу мақолада бадиий адабиётга вульгар социологик ёндашиш мавжуд.

12. «Кеча ва кундуз» ҳақида. Ж.Шарифий, О.Шарафиддинов ва Ф.Султоновлар томонидан ёзилган бу мақола «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1937 йил 6 август кунги сонидида босилиб чиққан. Унда шоирга турли сиёсий айблар тақаш тамойили устунлик қилади.

13. Ҳ.Ёқуб томонидан ёзилган «Чўлпоннинг «Соз»и» номили бу мақола «Совет адабиёти» журналининг 1937 йил 6-сонидида босилган. Мақолада холис фикрлар ҳам бор, аммо даврнинг мафкуравий талаби етакчилик қилади. Ҳ.Ёқубнинг Чўлпонга муносабати ўзгарганини унинг «Чўлпон ва Навоий» (1997 йил) деган китобида кўриш мумкин.

## МУНДАРИЖА

Чўлпон ижоди ва 20-30-йиллар танқидчилиги. Б. Каримов .....	3	<i>Dylin</i>
«Уйғониш». (Имзосиз мақола) .....	11	
Ўзбек шоири Чўлпон шеърлари. З.Башир .....	12	
Чўлпон — Чўлпондир. А. Шукрий .....	15	<i>Sevar</i>
Чўлпоннинг «Булоқлар»и. В.Маҳмуд .....	16	
Ўзбек ёш шоирлари (Чўлпон). А.Саъдий .....	18	
Чўлпон. «Тонг сирлари». А.Қодирий .....	27	
Ўзбек шоирлари. Чўлпон. Айн(О.Шарафиддинов).....	28	<i>Dilnoz</i>
Чўлпон. Шоирни қандай текшириш керак? Ойбек .....	35	<i>T. Maftun</i>
Мунаққиднинг «мунаққиди». Усмонхон .....	39	<i>Karrigor</i>
Мунаққиднинг «мунаққиди» мақоласининг эгасига. Ойбек .....	54	<i>Maftun</i>
Чўлпоннинг сози. Юнус Латиф .....	60	<i>Sevar</i>
«Кеча ва кундуз» ҳақида. Ж.Шарифий ва бошқалар .....	67	<i>H. N. U.</i>
Чўлпоннинг «Соз»и. Ҳ. Ёқуб .....	71	
Изоҳлар .....	81	

Босишга рухсат этилди 24.08.2004.  
Бичими 60x84 1/16.  
5,25 босма табоқ. Адади 1000 нусха.

“Сано-Стандарт” МЧЖ босмахонасида  
офсет усулида чоп этилди.